

ОИЛКАНДА

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,
1433, Шабвон, 4-сон

*Ўз ғалтида
ўқиған намоз*

*Фарҳанд
Муслиманинг
нафодози*

«Аллоҳ куфр келтирганларга Нухнинг хотини ва Лутнинг хотинини мисол қилиб келтирди. Улар бандаларимиздан икки солих банданинг измида эдилар. Бас, уларга хиёнат қилдилар ва (эрлари) улардан Аллоҳдан бирор нарсани қайтара олмадилар ва уларга: «Оловга киравчилар билан киринглар!» дейилди».

Нух алайхиссаломнинг хотинлари иймонда хиёнат қилган. У кишини масхара қилганларга кўшилиб, у аёл ҳам ўз эри – Нух алайхиссаломни масхара қилар экан.

Лут алайхиссаломнинг хотинлари ҳам эътиқод ишида хиёнат қилган. У гуноҳкор қавмга ўз эрининг хузурига келган меҳмонлар хақида ахборот бериб турад экан. Гуноҳкор қавм эса келиб, улар билан фахш иш қилишга уринар эди. Бу икки аёл Аллоҳнинг икки солих бандаси – икки пайғамбарига хотин бўлишларига қарамасдан, куфр ҳолатида хиёнат қилдилар. Уларни Аллоҳга энг яқин бандаларга хотин бўлишлари кутқариб қолмади. Уларга: «Дўзахга киравчилар билан бирга сизлар ҳам дўзахга киринглар!» деб айтилди.

Демак, ҳар ким ўзининг иймони ва амалига қараб, жазо ёки мукофотини олади. Қариндош-уругчилик, мансаб, наасаб, хасаб фойда бермайди.

Кейинги ояларда мўминларга Фиръавннинг хотини ва Биби Марям мисол қилиб келтирилади.

«Аллоҳ иймон келтирганларга Фиръавннинг хотинини мисол қилиб келтирди. Ўшанда у: «Роббим, менга Ўз хузурингда – жаннатда бир уй бино қилгин. Менга Фиръавндан ва унинг ишидан нажот бергин ва менга золим қавмдан нажот бергин», деб айтди».

Фиръавннинг хотини ўша пайтдаги энг катта подшохнинг аёли эди. Ҳар жиҳатдан тўкинликда яшар эди. Нимани хоҳласа, шуни қилиши мумкин. Қасрларда, турли неъматлар ичида фароғатда яшашига қарамасдан, коғир ва золим эрига ва қавмiga қарши чиқди. Аллоҳ таолога иймон келтирди. Аллоҳдан жаннатда уй қуриб беринини сўради. Бу эса дунё ҳойи-ҳавасидан устун келишнинг олий мисолидир.

Мўминларнинг иккинчи мисоли Биби Марямдирлар.

«Ва фаржини пок сақлаган Имрон қизи Марямни (мисол келтирди). Бас, Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик ва у Роббининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди».



Биби Марям Имрон қизи Аллоҳга соф эътиқодда бўлганлар ва ўзларини ҳам соф тутганлар. Яхудийлар тухмат қилганлариdek, нопок бўлмаганлар. Аллоҳ таоло Жаброил фаришта орқали ўша пок жасадга Ўз руҳидан «пупуф» дейиш билан Ийсо алайхиссаломни ато қилган. Бу қиссалар бошқа сураларда батафсил келгани учун, биз бу ерда яна такрорлаб ўтирамаймиз, фақат шуни таъкидлаймизки, у киши Аллоҳнинг сўзларига ва китобларига иймон келтирганлар ҳамда итоаткор қавмлардан бўлганлар. Мўминлар Биби Марямнинг ҳаётларидан ўrnak олишлари керак.

*«Таҳрим» сураси, 10-12-оятлар.
«Тафсири Ҳилол»дан.*

**«Омина» электрон журналининг
ҳайъат аъзолари:**

**Дилором Гозиева
Нозима Муратова
Назокат Қосимова
Дилафруз Юсупова
Оминахон Муҳаммад Юсуф
Одинахон Муҳаммад Юсуф
Наргиза Атажанова
Равшан Маликов**

ИСТИХОРА НАМОЗИ

«Истихора» сўзи луғатда «хайрни талаб қилиш» деган маънони англатади. Мусулмон киши икки ишдан қайси бирини қилишини билмай қолганида хайрлисини танлаш учун истихора намози ўқийди. Бу намозни ҳар бир ишдан олдин ўқиш мустаҳабдир.

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан сурани ўргатгандек ўргаттар эдилар. У зот:

«Қачон бирингиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки ракат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан илминг ила истихора қиласман. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сендан улуғ фазлингдан сўрайман. Албатта, Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни яхши билувчи Зотсан.

Аллоҳим! Агар ушбу иш менга динимда, маошимда ва ишим оқибатида яхши эканини билсанг (ёки ҳозирги ишимдаю келгусида) уни менга тақдир қилгин, менга осон қилгин, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш мен учун динимда, маошимда ва ишим оқибатида (ёки ҳозирги ишимдаю келгусида) ёмон эканини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшиликни тақдир қил. Сўнгра мени унга рози қил», десин ва ҳожатини айтсин», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу намозни ўқигандан кейин мазкур иш ҳақида ўйламай, Аллоҳ ихтиёр қиладиган нарсани кутиб юрилади. Кейин кўнглига тушиб, ўзига маъкул бўлиб, қилгиси келиб қолса, қиласди. Бу ҳақда туш кўриши ҳам мумкин. Агар иш бир тарафга бўлмай туриб қолса, истихора намозини яна қайтадан ўқийди. Қайта ўқиш етти мартагача бўлиши мумкин. Истихора намозининг биринчи ракатида Фотиҳа сурасидан кейин Кофирун сураси, иккинчи ракатда Ихлос сураси ўқиласди.

Кўриниб турибдик, истихора намози ҳам бошқа намозлар каби бандани Аллоҳ таолога боғловчи омилдир. Бир ишни қилмоқчи бўлганда Аллоҳ таолонинг Ўзига ёлвориб, яхши йўл кўрсатишини сўрашдир. Бу маъно эса мусулмон киши ҳаётida намознинг ўрни қанчалар муҳим эканини яна бир бор кўрсатади. Мусулмон киши ҳатто қиладиган дунёвий ишида ҳам дунёнинг Холиқи ва бошқарувчиси – Аллоҳ таолонинг Ўзидан маслаҳат сўраш имконига эга. Намоз ўқимайдиганлар эса бу улуғ саодатдан бебахрадирлар, улар шайтоннинг маслаҳати билан иш қилишга мажбурдирлар.

ТАВБА НАМОЗИ

Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитсам, Аллоҳ менга ундан Ўзи хоҳлаганича наф берадиган одам эдим. Қачон у зотнинг сахобаларидан бири менга ҳадис айтса, мен ундан (гапи тўғрилигига) қасам ичишни талаб қиласр эдим. Агар у қасам ичса, (гапини) уни тасдиқлар эдим. Албатта, иш шундай бўлдики, менга Абу Бақр бир ҳадис айтди. Зотан, у содиқдир:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қайси бир одам гуноҳ қилиб қўйса, сўнгра туриб, таҳорат қилиб, намоз ўқиса, кейин Аллоҳга истиғфор айтса, албатта, Аллоҳ уни мағфират қиласди», деганларини эшитдим. Сўнгра у зот:

«Ва улар фаҳш иш ёки ўзларига зулм қиласлар, Аллоҳни эсларлар ва гуноҳларини мағфират қилишини сўрайдилар» оятини қироат қилдилар», деди».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишиган.

Шарҳ: Аслида тавба хоҳлаган пайтда, намозсиз ҳам қилиниши матлуб. Лекин у намоз билан бўлса, кучли ва қабули осон бўлади. «Намоз мўминнинг силоҳи» дейилиши ҳам шундан. Мўмин киши намоз билан ҳар қандай қийин нарсага ҳам осонлик билан эриша олади. Ожиз банда гуноҳ иш қилиб қўйса, иймони уни дарҳол тавбага чорлаши зарур. Қилиб қўйган гуноҳининг афсусида қолган мўмин инсон дарҳол таҳорат қилиб, тавба намози нияти ила икки ракъат намоз ўқиб олишга ўтмоғи лозим. У гуноҳига надомат қилиб, намозида чин қалбдан тавба қилиб, Аллоҳга роз айтиб, иккинчи бу гуноҳни қайта қилмасликка қатъий аҳд қиласа, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини мағфират қиласди.



Ушбу ҳадислардаги бош масала шундан иборат. Лекин эътибор билан мулоҳаза қиладиган бўлсак, бундан бошқа муҳим масалалар ҳам борлигини кўрамиз.

Ана шундай масалалардан бири ҳазрати Али ро-
зияллоҳу анхуниңг

**«Қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-
ламдан бир ҳадис эшитсан, Аллоҳ менга ундан
Ўзи хоҳлаганича наф берадиган одам эдим»,** деган
гапларида ўз аксини топгандир.

Ўйлаб кўринг. Эшитган ҳар бир ҳадисдан наф
топиш қандай баҳт! Бу қандай саодат! Бундай олий
мақомга эришиш осонми? Бундай пурсаодат ҳаётга
соҳиб бўлиш учун нималар қилиш лозим?

Аввало ихлос қилиш керак. Амал қилиш керак.

Ҳадисларни пухта ва аниқ ўрганиш керак.

Ушбу ҳадисда мулоҳаза қилинадиган муҳим ма-
салалардан яна бири айнан ўша ихлос, амал ва ҳа-
дисларни пухта ўрганиш билан боғлиқдир.

Ҳазрати Али розияллоҳу анхуниңг қайси саҳо-
бийдан ҳадис эшитсалар, ўша ҳадиснинг тўғри экан-
лигига қасам ичишини талаб қилишлари айнан шуни
кўрсатади.

Маълумки, саҳобаларнинг адолатларига, зеҳнла-
рининг ўткирлигига, ишончли кишилар эканлигига
ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам,
ҳазрати Али ҳадис айтган ҳар бир кишидан қасам
ичишини талаб қилганлар. Чунки ҳадис эшитиб қўйиб,
кетаверадиган нарса эмас. Унга иймон келтириш,
амал қилиш керак. Ҳадиси шариф инсон ҳаётидаги
ҳар бир нарсани баён қилиб беради. Қуръонни шарх-
лайди, қандай қилиб ҳаётга татбиқ қилишни кўрсата-
ди ҳамда бошқа кўплаб хизматларни адо этади.

Шунинг учун дийн илмини кимдан олаётгани-
га катта эътибор ва аҳамият бериш ҳар бир мусул-
мон учун муҳимдир. Дийндорликни, фидойиликни,
олимликни, устозликни даъво қилувчилар жуда ҳам
кўп. Улар ҳар хил бўладилар. Кўплари бузук фикр-
ли ва ғаразгўй бўлишини тажриба кўрсатиб туриб-
ди. Шунинг учун Аҳли Сунна ва жамоа мазҳабида-
ги тақводор, инсофли, ҳақиқий олим кишидан илм
олиш лозим.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни эшитган, ўрганган
ҳар бир ҳадисимиздан кўплаб наф оладиган, илмни
ишончли манбалардан ўрганадиган бандалардан қил-
син. Бандалик билан баъзи хатоларни содир этган чо-
ғимиизда дарҳол тавбага шошиладиганлардан қилсин.

ҲОЖАТ НАМОЗИ

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анхудан ри-
воят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг Аллоҳга ва бани одамдан бирор-



тасига ҳожати бўлса, яхшилаб таҳорат қилсин,
сўнгра икки ракъат намоз ўқисин. Кейин Аллоҳ-
га сано ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга
саловот айтсин. Сўнгра:

**«Ҳалиму Карим Аллоҳдан ўзга (ибодатга са-
зовор) маъбуд йўқ. Улуғ Аршнинг Робби Аллоҳ
покдир. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар
бўлсин. Мен Сендан раҳматингни вожиб қилув-
чи, мағфиратингни тақозо қилувчи нарсаларни
ва ҳар бир яхшиликдан ғаниматни, ҳар бир ёмон-
ликдан саломатликни сўрайман. Менинг ҳеч бир
гуноҳимни қўймай, мағфират қилгин, ҳеч бир ға-
мимни қўймай, кушойиш қилгин, ўзинг рози бўл-
ган ҳеч бир ҳожатимни қўймай, албатта чиқар-
гин. Эй Арҳамар Роҳимиин», десин», дедилар».**

*Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишиган. Аллоҳ
билгувицидир.*

Шарҳ: Имом Ибн Ҳажар «Бу намозни шанба куни
саҳар чоги ўқиб, талаби ҳожат қилиш мандубдир,
чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам
«Ким шанба куни эрталаб талаби ҳожат қилса, та-
лаби ҳал бўлади. Унинг ҳожати раво бўлишига мен
кафилеман», деб марҳамат қилганлар», деган.

Албатта, дуонинг арабча матнини ёдлаб олган
яхши.

Ҳожат намози ила банда Аллоҳ таолога яна бир
бор боғланмоқда. Бу намоз ила бевосита Аллоҳ тао-
лога роз айтиш шарафига мұяссар бўлмоқда. Аллоҳ
таолодан бошқага ялиниш балосидан кутимоқ-
да. Ҳатто бошқа одамларда ҳожати бўлса ҳам, ўша
одамга эмас, Аллоҳ таолога мурожаат қилиб, ҳожа-
тини чиқаришини сўрамоқда. Чунки ҳақиқий ҳожат
чиқарувчи Аллоҳнинг Ўзидир.

ЧОШГОХ НАМОЗИ

*Зайд ибн Арқам розияллоҳу анхудан ривоят қили-
нади:*

«У чошгоҳ намози ўқиётган қавмни кўриб қолиб:

«Булар намоз ушбу соатдан бошқасида афзал эканлигини билмасмиканлар?! Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аввабийнларнинг намози теваларнинг (оёғи) қуйгандада бўлади», деганлар», деди».

Муслим ва Аҳмад ривоят қилишиган.

Шарҳ: Зайд ибн Арқам розияллоҳу анху бу гапни Кубо ахлининг қуёш чиққан пайтда чошгоҳ намозини ўқиётганларини кўриб қолиб айтганлар. Зайд ибн Арқам розияллоҳу анхунинг фикрларича, чошгоҳ намози ўқимоқчи бўлган одам уни ушбу ҳадисда васф қилинган пайтда ўқигани афзал. Бу пайтда қуёш ерни қиздириб, бўталоқларнинг оёғини қуидирадиган даржага етиб қолади.

«Аввабийн» сўзи «кўп тавба қилувчилар» деган маънени англатади. Демак, чошгоҳ намози аввабийнлар намози ҳам деб аталар экан. Ушбу намоз ҳақидаги барча далилларни яхшилаб ўргангандан фуқаҳоларимиз «Чошгоҳ намозининг вақти эрталаб нафл намоз ўқиш ҳалол бўлган вақтдан бошлаб, то заволгача», деганлар.

Жумҳури уламоларимиз, жумладан, тўрт мазҳаб соҳиблари ҳам «Чошгоҳ намози суннатdir», деганлар.

Демак, бизлар ҳам ҳаётимизга бу суннатни татбиқ қилмоғимиз керак. Чошгоҳ намози ўқиб юришимиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилганимиз бўлади.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга халилим соллаллоҳу алайҳи васаллам уч нарсани васият қилганлар: ҳар ойда уч кун рўза тутишни, икки ракъат чошгоҳ намозини ва ухлашимдан олдин витр ўқишимни», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишиган.

Шарҳ: Ҳазрати Абу Хурайра розияллоҳу анху фаҳр билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни «халилим» – холис синалангандан дўстим деб атамоқдалар. Ушбу ҳадиси шарифда уч нарсага тарғиб қилинмоқда:

1. «Ҳар ойда уч кун (нафл) рўза тутиш»га.

Бу масала «Рўза» китобида батафсил ёритилган. Унда ҳар ойда уч кун нафл рўза тутиш йил бўйи рўза тутишга баробар эканлиги ва нафл рўзанинг бошқа фазийлатлари ҳақида қўпгина маълумотлар бор. Ҳозир эса ушбу набавий васиятга амал қилиб, ҳар ойда уч кун нафл рўза тутишни йўлга қўйиб олсан, яхши бўлади.

2. «Икки ракъат чошгоҳ намози».

Бу намоз аввабийнлар намози эканлиги олдинги ҳадисда айтилди. Ушбу ҳадисда эса чошгоҳ намози

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий васиятлари сифатида васф қилинмоқда. Келаси ҳадиси шарифларда яна бир қанча васфлари келади, иншааллоҳ. Биз эса бу набавий васиятга ҳам амал қилиб, авваллари бу намозни ўқимай юрган бўлсан, ушбу ҳадисни ўрганганимиздан сўнг уни ўқишига киришмоғимиз лозим.

3. «Ухлашдан олдин витр намозини ўқиши».

Мусулмон киши агар кечаси таҳажжуд намозига туришига ишонмай, ухлаб қолишдан кўркса, бевосита ухлашидан олдин витр намозини ўқиб ётиши керак. Ҳар бир мусулмон бу набавий васиятга ҳам ҳаёти давомида амал қилиб бориши зарур.

Оша розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чошгоҳ намозини тўрт ракъат ўқир эдилар ва Аллоҳ ҳоҳлаганича зиёда қилар эдилар».

Муслим, Насаий ва Аҳмад ривоят қилишиган.

Шарҳ: Бу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам чошгоҳ намозини тўрт ракъат ва ундан кўп ўқиганлари айтилмоқда.

Умму Ҳоний бинти Абу Толиб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳ куни чошгоҳ намозини саккиз ракъат ўқидилар. Ҳар икки ракъатда салом берар эдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у (Умму Ҳоний)нинг уйига Макка фатҳи куни кириб, ғусл қилиб, саккиз ракъат намоз ўқидилар», дейилган.

Тўртвлари ривоят қилишиган.

Шарҳ: Бу ривоятдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

1. Сафарда ҳам чошгоҳ намози ўқиганликлари.

2. Бирорнинг уйида ғусл қилиб, намоз ўқиганликлари.

3. Чошгоҳ намозини гоҳида саккиз ракъат ўқиганликлари маълум бўлади.

Абу Зарр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тонгда ҳар бирингиздан ҳар бўғинига садақа лозимdir. Бас, ҳар бир тасбех садақадир, ҳар бир таҳмид (Алҳамдуллаҳ) садақадир, ҳар бир таҳлил (Лаа илааҳа иллаҳу) садақадир ва ҳар бир тақбир садақадир. Амири маъруф садақадир. Наҳийи мункар садақадир. Буларнинг ўрнига чошгоҳда икки ракъат намоз ўқиш кифоя қилади», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишиган.

Абу Довуд ва Аҳмаднинг лафзида:

«Тонгда одам боласининг ҳар бўғинига садақа лозим. Учраган одамга салом бериши садақадир.

Амри маъруф қилиши садақадир. Нахий мункар қилиши садақадир. Йўлдан озор берувчи нарсани олиб ташлаши садақадир. Аёлига яқинлик қилиши садақадир. Буларнинг ўрнига чошгоҳдаги икки ракъат намоз кифоя қилур», дедилар».

Шарҳ: Уйқудан эсон-омон туриб, уч юз олтмишта бўғини ишга тушиб кетиши ҳар бир инсон учун катта баҳт, улуг неъматдир. Мўмин-мусулмон киши ҳар бир неъмат учун Аллоҳ таолога муносиб шукур қилиши керак. Шукур қилганда ҳам, ҳар бир бўғини ҳисобига бир садақа қилиши лозим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи васалламнинг:

«тонгда сизнинг ҳар бирингиздан ҳар бўғинига садақа лозим бўлади» деганлари шуни англатади.

Садақа деганда пул ёхуд мол сарфлашни тушун-маслик керак. Мўмин банда томонидан қилинган ҳар бир яхшилик, шариатга мувофиқ амал садақадир.

1. Бир марта «Субҳаналлоҳ» деб тасбех айтиши ҳам садақа. Бу билан бир бўғин учун қилиниши зарур бўлган шукур адо этилади.

2. Бир марта «Алҳамдуиллаҳ» дейиш ҳам садақадир. Бу билан яна бир бўғин учун қилиниши зарур бўлган шукур адо этилади.

3. Бир марта «Лаа илаха иллаллоҳ» дейиш ҳам садақа. Бу билан яна бир бўғин учун қилиниши лозим бўлган шукур адо этилган бўлади.

4. Бир марта «Аллоҳу акбар» дейиш ҳам садақа. Бу билан яна бир бўғин учун қилиниши лозим бўлган шукур адо этилади.

5. Амри маъруф қилиш ҳам садақа.

6. Нахий мункар қилиш ҳам садақа.

7. Йўлда кўринган одамга салом бериш ҳам садақа.

8. Йўлдан кўпчиликка озор берадиган нарсани олиб ташлаш ҳам садақа.

9. Иффат ва солих фарзанд талабида жуфти ҳалоли или яқинлик қилиш ҳам садақадир.

Мусулмон одам шу ва шунга ўхшаш солиҳ амаларни қилиб, ҳар бир бўғини учун кунда қилиши керак бўлган садақаларни адо этса, қандай яхши!

Айниқса икки ракъат чошгоҳ намози ўқиган одам уч юз олтмиш бўғини учун қилиши лозим бўлган садақани адо этган бўлар экан. Чунки намоз пайтида инсоннинг барча бўғинлари ишга тушади.

Бу ҳадисда чошгоҳ намози ниҳоятда фазийлатли эканлиги баён қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу намозни доимий равишда ўқиб юришга одатланишимиз лозим.

Нуъайм ибн Ҳаммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг:

«Аллоҳ азза ва жалла «Эй Одам боласи, куннинг аввалидаги тўрт ракъат-ла Мени унутма, сен учун у(нахор)нинг охирининг кифоясини қилурман», дейди», деганларини эшигдим».

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизий ривоят қилишиган.

Термизийнинг лафзида:

«Одам боласи! Куннинг аввалида Менга тўрт ракъат рукуъ қил, Мен сенга охирининг кифоясини қилурман», дейилган.

Шарҳ: Аввало ушбу ривоятнинг ровийси Нуъайм ибн Ҳаммор розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Нуъайм ибн Ҳаммор Атафоний аш-Шомий ҳадисларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан ва Уқба ибн Омир ал-Жуҳанийдан ривоят қилдилар. Бу зотдан Абу Идрис Хувлоний, Қайс ал-Жузомий, Кусайр ибн Мурра ал-Ҳазрамий, Қатодалар ривоят қилдилар. Бу киши ривоят қилган ҳадисларни учта саҳиҳ соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Ушбу ҳадисда зикр қилинаётган намоздан чошгоҳ намози иродга қилинмоқда. Демак, ким эрталабдан тўрт ракъат чошгоҳ намози ўқиб олса, кун давомида Аллоҳнинг хифзу химоясида бўлар экан.

Биз ҳам кун бўйи Аллоҳнинг хифзу химоясида бўлишни истасак, доимо чошгоҳ намози ўқиб юришга одатланайлик.

Муоз ибн Анас ал-Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайхи васаллам:

«Ким Бомдод намозини ўқиб бўлганидан кеинин намоз ўқиган жойида то чошгоҳ намозини ўқигунча ўтиrsa, фақат яхшиликдан бошқани гапирмаган бўлса, унинг хатолари, агар денгиз кўпигидан кўп бўлса ҳам, мағфират қилинур», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишиган.

Термизийнинг лафзида:

«Ким Бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгра қуёш чиққунича Аллоҳни зикр қилиб ўтиrsa, кеинин икки ракъат намоз ўқиса, унинг учун ҳаж ва умранинг ажридек бўлур. Тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда васф қилинаётган намоз шуруқ намози ҳам дейилади. Шуруқ дегани эса қуёш чиққини билдиради. Саҳар чоғи ниҳоятда фазийлатли бўлиши ҳақида олдинги ҳадисларда кўплаб маълумотлар келди.

Бу ҳадиси шарифда ҳам Бомдод намози билан қуёш чиққунича бўлган вақтни Аллоҳнинг зикри би-

лан ўтказишига тарғиб қилинмоқда. Шу билан бирга, шуруқ намози ўқишига ҳам қизиқтирилмоқда. Аввал айтилганидек, шуруқ намози чошгоҳ намозининг энг аввалги вактидаги намоздир. Ҳадисда Бомдод намозини жамоат билан ўқишига тарғиб борлиги ҳам очик-ойдин кўриниб турибди.

Ушбу ҳадисга амал қилиб, сахар чоги Аллоҳнинг ибодати, зикри билан машғул бўлиш фазийлатли ишдир. Ўтган салафи солиҳлар бу ишга алоҳида эҳтимом берганлар. Келинг, улар яшаб ўтган даврдаги бир лавҳа билан танишайлик.

Бир гуруҳ ҳожиларнинг йўлини арслонлар тўсиб колибди. Мазкур ҳожилар ичидаги буюк тобеийлардан Товус розияллоҳу анху ҳам бор эканлар. Ўша ўров уч кун давом этибди. Уч кунгача арслонлардан кўрқиб, бирор киши мижжа қоқа олмабди. Кейин арслонлар кетишибди. Сахар чоги экан, ҳамма Бомдодни ўқиб, ўзини уйқуга урибди.

Ухлашни хаёлига ҳам келтирмаётган Товус розияллоҳу анхуга «Уч кун мижжа қоқмадингиз, бироз ухлаб олсангиз бўлар эди», дейишибди. Шунда у киши «Бу пайтда ухлаб бўлмайди», деб, зикрни давом эттирган эканлар.

Бизнинг давримиз аҳли солиҳлари сийратида ҳам шу одат мулоҳаза қилинади. Ушбу пайтда ер юзида навбатчилик қиласидиган фаришталар алмашаётган бўладилар. Бу вақтда ухлаш, ғофил бўлиш ва бошқа бефойда ишлар билан машғул бўлиш мўмин одамга тўғри келмайди. Сахарда ибодат қиласидарнинг ризқи улуғ, ухлаганларнинг ризқи тор бўлади.

Ҳозирги тараққий этган илм ҳам сахар вақтининг фазийлатли эканлигини тасдиқламоқда. Сахар чоғида ультра бинафша нурлар тарқалган вақт бўлар экан. Бу нурлар инсон учун жуда ҳам фойдали экан.

Хўш, ўша нурлардан энг кўп фойда оладиган одам Бомдод намозини жамоат билан ўқиб, қуёш чиққунча Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлиб, кейин икки ракъат намоз ўқиган киши бўлмай, ким бўлсин?

Ҳа, бу ҳадисга доимий равишда амал қилишига одатланишимиз лозим.

Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким уйидан таҳорат қиласи ҳолида фарз намозга чиқса, унинг ажри эҳром кийган ҳожининг ажрича бўлур. Ким чошгоҳ намозига чиқса, фақат унинг учунгина чиқса, унинг ажри умра килувчининг ажрича бўлур. Бир намоз билан иккинчи намоз орасида бехуда нарса бўлмаса, иллийин китобидадир», дедилар».

Абу Довуд ривоят қиласиган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда аввал ўрганган нарсаларимиз билан бир қаторда, чошгоҳ намозининг савоби бир умранинг савобига тенг келиши баён қилинмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Бир намоз билан иккинчи намоз орасида бехуда нарса бўлмаса, иллийин китобидадир» деганлари «ўша амалнинг савоби иллийин китобига ёзилади», деганларидир. Иллийин китоби эса олиймақом китоб бўлиб, унга муқарраб фаришталар шоҳид бўладилар.

Демак, икки фарз намози ораси ёки бир фарз, бир суннат намози ораси бехуда ўтмаса, қандай яхши. Бундай ҳолнинг энг афзал кўринишларидан бири – Бомдод намози билан шуруқ намози орасини зикр билан ўтказишидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким чошгоҳ намозини муҳофаза (бардавом) қиласа, унинг гуноҳлари агар денгиз кўпигича бўлса ҳам мағфират қилинади», дедилар».

Термизий ривоят қиласиган.

Шарҳ: Бу ҳадисда чошгоҳ намозини доимий равишида ўқиб юришга тарғиб қилинмоқда. Албатта, умумий қоидага биноан, бу ҳадисда зикр қилинган гуноҳлардан мурод, банда билан Аллоҳ орасидаги кичик гуноҳлардир. Кабира гуноҳлар ва банда билан банда орасидаги ҳақлар бу билан мағфират қилинмаслиги аниқ.

ХУЛОСА

Ўрганган ҳадисларимиздан чошгоҳ намози ўқиши жуда ҳам савобли амал эканлиги очик-ойдин кўриниб турибди. Бу намоз кўплаб ажру савоб, хайру барака ва файзу футухга сабаб бўлиши таъкидланмоқда. Ушбу намозининг вақти қуёш чиқиб бўлганидан заволгача давом этиб, энг афзал вақти эса қуёш ерни қиздириган вақт экан. Биз ўрганган ривоятларда чошгоҳ намози икки ракъатдан саккиз ракъатгача бўлиши зикр қилинди. Бошқа баъзи ривоятларда ўн олти ракъатгача, деб айтилган.

Демак, ҳолатга ва имкониятга қараб, шулар орасидаги ададда чошгоҳ намози ўқиса бўлаверади. Вақти оз одам икки ракъат ўқиса ҳам чошгоҳ намози ўқиган бўлади. Имкони бор одам кўпроқ ўқиса, яна ҳам яхши. Энг муҳими, ўқиш керак.



МАНДУБ ЗИЙНАТЛАР



Зийнатда очик фойда ва манфаат бор бўлгани учун Ислом дини унинг фақат вожиб бўлганини эмас, балки мандуб бўлганини ҳам эътибор берди. Лекин зийнатнинг маълум маънода оғирлик томони ҳам бўлгани учун умматга раҳмат ўлароқ осонлаштирилган ҳолда мандуб қилинган, вожиб қилинмаган. Мандуб зийнатларга қуидагиларни мисол келтиришимиз мумкин:

1. Ҳар сафар таҳорат пайтида мисвок қилиш. Албатта, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг «Агар умматимга машаққат бўлмасин, демаганимда, уларни ҳар таҳоратда мисвок қилишга амр этар эдим», деган сўзларида биз, умматларини шунга ташвик ва иршод этганлар. Ушбу ҳадисни Молик, Аҳмад ва Насайлар ривоят қилишган. Ибн Ҳузайма сахиҳ ривоят қилган. Бухорий уни таълиқ этиб зикр қилган.

2. Мўйлабни қисқартириш ва соқолни ўстириш эркаклар учун, шунингдек, тирноқларни олиш, кўлтиқ тукларини юлиш ва бўғинларнинг бужмайган жойларини ювиш, кўлтиқ(туки)ни юлиш, қовуқ(туки)ни қириш, истинжо қилиш», дедилар.

Мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўнта нарса фитратдан(соф табиатдан)дир: мўйлабни қисқартириш, соқолни ўстириш, мисвок, бурунга сув олиб тозалаш, тирноқларни олиш, бўғинларнинг бужмайган жойларини ювиш, кўлтиқ(туки)ни юлиш, қовуқ(туки)ни қириш, истинжо қилиш», дедилар».

Оиша розияллоҳу анҳодан ҳадис ривоят қилувчи Мусъаб ибн Умайр айтади: «У (Оиша) ўнинчи сини унугти, оғизни чайиш бўлса керак», деди».

Вакиъ: «Сув тўкиш, яъни истинжо», деди».

Муслим, Термизий, Абу Довуд ва Насайлар ривоят қилишган.

3. Эркак кишига хушбўй суртиш, аёл кишига номаҳрам бўлмаганида хушбўй суртиш мандубдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга аёллар, хушбўй нарсалар маҳбуб қилинди. Кўз қувончим намозда қилинди», дедилар». Табороний бу ҳадисни «Ал Авсат»да ривоят қилган. Насайл ҳам шунга ўхшаш ҳадис ривоят қилган. Шунингдек, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Кимга хушбўй нарса тақдим қилинса, рад қилмасин, чунки унинг хиди хушбўйdir ва вазни енгилдир», деганларини эшиздим», деган ривоят қилган. Насайл: «Ва албатта, у жаннатдан чиқкан» деган жумла ни илова қилган. Имом Муслимнинг ривоятида

«хушбўй нарса»нинг ўрнига»райҳон» дейилган.

4. Эркак ва аёл кишига оқарган сочни қорадан бошқа ранга бўяш мандубдир. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо ривоят қиласи:

«Абу Қуҳофа розияллоҳу анҳуни Макка фатҳи куни олиб қелинди. Унинг соч-соқоли ҳудди сағима (оппоқ гуллик ўсимлик)дек оппоқ эди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буни бирор нарса ила ўзгартиринглар. Қорадан четланнинглар», дедилар»

Муслим, Абу Довуд ва Насайлар ривоят қилишган.

5. Сочни тараш, ёғлаш ва уни тозалаш эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам мандубдир.

«Абу Қатода розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Менинг сочим қалин, уни тарайманми?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа ва уни парваришила», дедилар».

«Муватто»да келган.

Шунингдек, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисда у зот: «Кимнинг сочи бўлса, уни парваришиласин», деганлар.

Абу Довуд ривоят қилган.

6. Аёл киши икки қўлини ҳиннога бўяши. Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилиб:

«Бир аёл парда ортидан қўли ила Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мактуб узатди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бармоқларини йигиб, мушт қилиб: «Бу эркакнинг қўлими ёки аёлнинг қўлими, қандай биламан?» дедилар. «Аёлнинг қўли», деди. «Агар аёл бўлсанг, тирноқларини ўзгартирас эдинг, яъни ҳинно билан», дедилар».

Абу Довуд ва Насайлар ривоят қилишган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Ҳинд бинт Утба: «Эй Аллоҳнинг Набийси, байъатимни қабул қилинг», деди. У зот: «Икки кафting ҳудди йиртқичнинг кафтидек бўлмагунича (бўялган бўлишига ишора) байъатингни қабул қилмайман», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

7. Аёл киши номаҳрам бўлмаганда кўзига сурма суртиши.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен аёл кишини сочи бўялмаган ва кўзи бўялмаган ҳолда кўришни ёмон кўраман», деганлар».

8. Юқорида зикр қилинган ҳамма амаллардан олдин камида ҳар ҳафтада бир марта ғусл қилиш мандубдир. Бу жума кунига тўғри келса, жума намозидан олдин ғусл қилиш лозим. Албатта, ғусл мандуб бўлган зийнатнинг энг муҳим турларидандир.

хушбўй нарса тақдим қилинса, рад қилмасин, чунки унинг хиди хушбўйdir ва вазни енгилдир», деганларини эшиздим», деган ривоят қилган. Насайл: «Ва албатта, у жаннатдан чиқкан» деган жумла ни илова қилган. Имом Муслимнинг ривоятида

ЎЗ ВАҚТИДА ЎҚИЛГАН НАМОЗ

Бувисининг сўзлари қулоқлари остида аксадо каби жаранглагандек бўлди назарида: «Намозни асло кечикириб бўлмайди, ўз вақтида ўқишнинг ҳикмати кўп, болам». Ҳа, бувиси етмиш ёшига қадар намозларини бирор марта қолдирмаган. Ҳозир ҳам анча қарив қолган бўлишига қарамай, аzon товуши эшитилиши билан дарров таҳорат олиб, ибодатларини ўз вақтида адо этишни канда қилмайди...

У эса ўз нафсини енгишнинг ҳеч уддасидан чиқолмаяпти. Қачон қараманг, намоз ўқишни юмушларининг энг охирига қолдиради. Шунинг учун ҳам намозларни вақти чикиб кетиши арафасида шоша-пиша ўқиш унинг одатига айлануб қолган. Шулар хақида ўйлар экан, соатга қаради. Сўфи хуфтон намози учун азон чақиришига атиги ўн беш дақиқа вақт қолибди. У эса ҳали-ҳам шом намозини ўқигани йўқ.

Шошиб таҳорат қилди ва зудлик билан хонаси томон йўл олди. Одатдагидек, намозни шоша-пиша ўқишга тушди. Шошмаса ҳам бўлмайдида! Ахир тунги намоз кирай-кирай деб турибди. Тасбех ўгириб ўтириб, югурик хаёллари яна бувисини ёдига солади. «Шу холатимни бувим кўрганида борми, яхшигина дакки бериши аниқ эди», дейди ўзича. У бувисини жуда яхши кўрарди. Айниқса, ибодатда бўлган пайтлари бувисидан ажиб бир нур таралиб турганга ўхшар, намозни хушуъ-хузуз билан адо этаётган маҳали эса ҳатто либоси ҳам унинг кўзига камалак жилосидек товланиб кетгандек бўларди.

Ўша куни у кечгача тинмай ишлади. Шу боисми, Қуръон оятларини ўқиётиб, кўзлари юмилиб кетар, вужудидаги чарчоқ таъсиридан ўзини бошқаролмай қолди. Рукуъдан аранг қаддини ростлаб, саждага бошини қўйди-ю, шу пайт кўзини парда тўсгандек, қотиб қолди.

«Шунчалик ҳолдан тойибман-а», деди шивирлаб. Кейин эса уни беихтиёр мурроқ босди...



Бу хаёлидамиди ёки ўнгиди, англомади. Лекин кўз олдиdan парда кўтарилиб, аллақандай ёрқин тасаввур пайдо бўлгани рост. Ниҳоятда кўп, тумонат одам тўпланган кенг майдон. Бирорта бўш жойнинг ўзи йўқ. Кимдир қимир этмай қотиб қолганича атрофида бўлаётган воқеаларни кузатиб турибди, бирор тиззалаb ўтирибди, бошини чангллаганича ҳукмни кутиб ўтирибди, яна аллакимни чапга, бошқасини ўнгга ҳайдаб кетишияпти. Юраги эса кўкрагини ёриб чиккудек гупиллаб урап, бутун аъзойи бадани совуқ тердан жиққа хўл бўлиб кетган. Ҳаётлигиди қиёмат, савол-жавоб, амаллар тарозиси ҳақида кўп бора эшитган, лекин қилмишларига яраша ўз ҳукмини кутиш азоби ва қўркуви бу қадар даҳшат эканлигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган экан ўшанди. Мана, бошига тушганда эндинга бунинг маъно-моҳиятини англагандек... Ҳисоб-китоб ва сўровлар галма-галдан амалга оширилар эди. Шу орада унинг исми ўқилди. Дир-дир қалтираси таҳорат экан, зил-замбилдек елкаси узра эгилган бошини аранг кўтарди.

«Мени чақиришдими?»

Кўркув сабабли қалт-қалт титраётган лабларидан чиққан гапи шу бўлди.

Одамлар тўдаси тенг иккига бўлинди ва унинг олдида йўлакча хосил бўлди. Иккитаси келиб, унинг икки ёнидан кўлтиқлаб олишди. Бу қиёмат кунининг хизматчилари эканлиги шубҳасиз эди. Малоикалар уни майдоннинг нақд марказига олиб келиб, ўзлари нари кетишли. Шу ондан унинг ҳаёти худди кино тасмасидек кўз олдида

бир-бир ўта бошлади. «Минглаб эзгу амалларим ва савоб ишларим бор, – дея шивирлади. Бутун борлигини қўркув чулғаб олган эди. – Болалигимдан Аллоҳ йўлида хизмат қилган инсонлар даврасида ўсдим, улғайдим. Исломий оиланинг фарзандиман. Отам хаётининг кўп қисмини одамларни Исломга даъват қилишга бағишиланган, топган давлатини Аллоҳ йўлида сарфланган. Онам ҳам муслималардан. Уйимизга келган Аллоҳнинг дўстларини чиройли кутиб олиш ва бирининг ортидан яна бошқаси келиб, кети узилмайдиган меҳмондорчиликларда дастурхон солиб, йифищдан чарчамаган, ҳамиша Аллоҳ таолога шукrona келтириб яшаган. Мен ҳам уларнинг тарбиясини олиб, уларнинг йўлидан бордим. Вақтимни одамларга фойдаси тегадиган ишларга сарфладим, яни Аллоҳнинг тавҳиди хақида уларга таълим бердим, намоз ўқидим, рўза тутдим... Исломнинг барча шариат аҳкомларини бажариб яшадим. Ҳаромдан парҳезкор бўлдим...»


Унинг кўзларидан сизиб чиққан ёшлари кипиклари узра юзини ёмғирдек юва бошлади.

«Мен оламлар Робби бўлмиш Парвардиго-
римни севаман», деди у. Сўнг хаёлидан «Лекин

бир томони бор, Аллоҳнинг розилиги учун қилганларим яратган Эгамнинг жамолио жаннатига эришиш учун кам. Раҳмат ва мағфират фақат Аллоҳдандир», деган фикрлар ўтди.

Ҳисоб бериш давом этарди. Унинг эса қилган амаллари юзасидан ҳарфма-ҳарф қилинаётган сўров қўркувидан силласи қуриган. Ҳатто қиёмат даҳшатидан қалт-қалт титраётган танасидан иирик-иирик тер қўйилаётганини сезмасди. Нигоҳи натижалар акс этажак тарози паллаларига қадалган. Бироздан кейин ҳукм чиқарилади!

Ҳизматкор малоикалар одамлар тўдаси орасига ўтдилар, қўлларида қофоз ушлаб олишган. Дастрлаб исмлар үқилди. Қаттиқ ҳаяжон ва қўркувдан кўзларини маҳкам юмиб, ўзига чиқарилган ҳукмни кутяпти. Ҳасратларга тўлган одамлар даҳшатли бақирава фарёд кўтарардилар. Унинг исми жаҳаннамийлар қаторида ўқилди. Балки, қулоғига шундай эшитилгандир. Ёки янглишмовчилик бўлдимикан? Унинг ҳолати абгор. Золимнинг узр-маъзури қабул бўлмайдиган, унга фақат лаънат айтиладиган, оқибати ёмон бўладиган мазкур кунда худди маст одамдек оёғида туролмасди. У тиззалаб, мукка тушди ва даҳшатдан тошдек қотиб қолди.



«Бўлиши мумкин эмас!!!» У бирдан бор овози билан қичқириб юборди.

Юзиқаролик талvasасидан ўзини goх чапга, goх ўнгга ташлайди. «Қандай қилиб дўзахга тушишим мумкин? Ахир бутун умрим давомида Ислом йўлида юрган бўлсам, мусулмонларга ёндашиб яшаган, ҳаммага Аллоҳ ҳақида сўзлаган бўлсам», дея нола чекарди.

Кўзёшлар танасини ёмғирдек ювди. Ҳизматдаги фаришталар уни қўлтиғидан ушлаб, алантаси осмон қадар йўргалаётган жаҳаннам сари судраб кетдилар. Жон талvasасида ўзини у ёқ-бу ёққа уради, қалби даҳшатдан тилка-пора бўлган. Наҳотки, бирор нажот бўлмаса? Наҳотки, бирор халоскор топилмаса... Ха, бу кун на мол-дунё, на бола-чака фойда берадиган, факатгина салим (итоаткор) қалб фойда берадиган кун эди.

Энди унинг тилида фақат илтижо ўтинч сўзлари зоҳир эди: «Наҳотки, қилган савоб амалларим, тутган рўзаларим, Қуръон тиловатларим, ўқиган намоз ва қилган ибодатларимнинг бирор таси мени дўзах ўтидан озод қилолмаса?!» дея тинмай бақиради. Фаришталар эса уни судрашда давом этар, ўзларига тайинланган вазифани адо этишда бардавом эдилар. Улар дўзах оташига тобора яқинлашиб боришарди.

Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадиси шарифлари ёдига тушди:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Айтинглар-чи, агар бирингизнинг эшиги олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар куни беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?» дедилар. «Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди», дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ана шунга ўхшаб, Аллоҳ беш вақт намоз ила хатоларни ювади», дедилар» (*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган*).

«Шундай экан, наҳотки, намозларим ҳам менга ёрдам бермаса? – деди ўзига ўзи. – Менинг намозларим, менинг намозларим, менинг намозларим», дея тинмай такрорлайверди.

Ҳизматкор фаришталар унга эътибор ҳам беришмас, бир зум ҳам тўхтамай йўлларида давом



этишарди. Мана, ниҳоят дўзах сарҳадларига ҳам яқинлашиб қолишиди. Жаҳаннам оташидан юзлари куйди. Охирги марта орқасига ўгирилиб, умид билан атрофга боқди. Сўнгти илинж, сўнгги умид уни орқада кузатиб қолганди... Унинг боши эгилиб, қадди янада дол бўлди. Маҳкам тутиб турган қўллар ёзилди ва фаришталардан бири уни итариб юборди. У дўзах макон топмиш ер қаъри томон учиб, пастликка тобора шўнғиб борарди. Бирдан кимdir унинг қўлларидан тутди. У аста бошини кўтариб, юқорига қаради. Уни оппоқ соқоллари кўксига тушган аллақандай чол қутқариб қолди. Нуроний уни пастдан юқорига олиб чиқди. Устидаги чанг-ғуборларни қоқяпти-ю, нигоҳи ҳалиги оқсоқолда: «Сиз кимсиз?» дея сўради у. Чол табассум билан: «Мен сенинг намозларингман», деди.

«Нега бунча кеч қолдингиз? Охирги дақиқаларда келдингиз-а. Яна озгина кеч қолганингизда, мен аллақачон жаҳаннам оташида ёниб кул бўлган бўлардим», деди у.

Нуроний оқсоқолнинг нурли юзи майин табассумдан янада зийнатланди ва бошини сараксарак қилиб сўз қотди:

«Сен ҳам ҳар доим мени ишларингнинг охирига қолдирасан-ку. Бир эслаб кўргин...»

У кўзини очди. Ҳамма ёғи терга ботиб, шалаббо бўлган, ҳамон ҳаяжондан вужуди титроқда. У ташқаридан эшитилаётган товушга қулоқ тутди. Бу латиф овоз муazzиннинг хуфтон намозига чақириғи – аzon эди... Шу ондаёқ сакраб ўрнидан турди-да, таҳорат учун чоғланди...

Ойдинахон Ваҳобжонова

Жаҳаннам аҳлининг кўпроғи (кўпчилиги) аёллардир

САВОЛ: Суннатда (ҳадисда) жаҳаннам аҳлининг кўпроғи аёллардан эканлиги зикр қилинган. Нима учун?

ЖАВОБ: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Албатта, аёллар эрларига куфр келтирадилар. Агар уларнинг бирорталарига умр бўйи яхшилик килиб, сўнг бир марта гина ёмонлик қилсанг, у: «Сендан хеч ҳам яхшилик кўрмадим», дейди», дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг «куфр келтирадилар» деган сўзларининг маъноси «беркитадилар», «яширадилар», «инкор қиладилар» деган маънодадир.

Аёлларнинг эрларига куфр келтиришлари уларнинг жаҳаннам аҳларининг кўпроғи бўлишларига сабаб бўлар экан, бас, жаҳаннам аҳлидан бўлишни истамайдиган аёл ушбу хислатдан ўзини қайтарсин. Эри унга ёмонлик қилган вақтда унга фақат бир марта, шу сафар ёмонлик қилганини, шу пайтгача доим унга яхшилик килиб келишини эсласин. Шу билан эрини рози қиласи ва эридан рози бўлади, эри билан бирга баҳтли-саодатли ҳаёт кечиради. Охиратда эса, иншааллоҳ, ушбу иши сабабли жаннатга эришади.

Батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Қай бир аёл ўлса-ю, эри ундан рози бўлса, у аёл жаннатга киради», дедилар.

Аёлларнинг эркак табиблар хузурида даволанишлари

САВОЛ: Баъзида аёл киши ноилож эркак табиб хузурида даволанишга мажбур бўлади. Гоҳида тажрибали табиб диндор бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин у дараҷада тажрибали бўлмаган табиб аёл ҳам бўлса, бу ҳолатда хукм қандай бўлади?

ЖАВОБ: Модомики, аёл даволанишга муҳтож бўлса ва аёл табибларнинг тажрибаси камлиги сабабли уларнинг хузурида даволанишнинг иложи бўлмаса, бу ҳолатда у аёлнинг Аллоҳдан кўрқадиган мусулмон табиб ҳақида зикр аҳлидан сўрашида ҳеч қандай монеълик йўй.

Агар бундай табиб топилмаса, у ҳолатда диндор бўлмаган тажрибали табиб хузурида даволаниши мумкин. Фақат у яшаб турган шахарда дин аҳларидан бўлган бошқа табиб бўлмаганда бунга рухсат берилади. Валлоҳу аълам.

Имрон қизи Марям

САВОЛ: Куръони каримда аёллардан фақат Имрон қизи Маряннингина исми зикр қилинган. Нима учун?

ЖАВОБ: Марям қиссаси Куръондаги бошқа қиссалардан Марямдаги тақорланмайдиган (мехробда Аллоҳнинг хузуридан берилган ризқ, Закариё алайҳис-

саломнинг дуоси ва Ийсо алайҳиссаломнинг туғилишлари каби) мўъжизаларни хослаб келиши билан фарқ қиласи. Куръондаги бошқа қиссалар ибратли бўлиб, улар ҳаётда тақорланиб келади.

Аллоҳ таоло Куръонда «ғор эгалари» (асҳобул каҳф) ҳақида: «Албатта, улар Роббилирига иймон келтирган йигитлардир», деб хабар берди. Лекин уларнинг кимлигини, қайси шаҳардан эканликларини айтмади. Балки, бу нарсалар Аллоҳ учун у қадар киймати бўлмаган нарсалардир. Қиссани келтиришдан мақсад эса унинг мазмуни ва мағизидир.

Агар қиссалардаги инсонлар исмлари билан зикр қилинганларида, одамлар: «Бу қисса ўзининг замони ва ўзининг қаҳрамонлари учун бўлган бошқа тақорланимайдиган, қайта бўлмайдиган қисса», дейишлари аниқ эди.

Демак, куръоний қиссаларнинг аксарияти инсонлар учун ибрат бўлиб, у ҳар қайси замон ва маконда тақорланиши мумкин. Валлоҳу аълам.

Аёл кишининг йўлда намоз ўқиши

САВОЛ: Агар аёл киши йўлдалигида намоз вақти кириб қолса ва намоз вақти чиқиб кетиб қолишидан кўрқса, бу пайтда унинг таҳорати йўқ бўлса ва таҳорат қилишга имкони ҳам бўлмаса, таяммум қилиб намоз ўқиши мумкини? Ёки уйига қайтганида намозни қазо қилиб ўқийдими?

ЖАВОБ: Афзали таҳорат қилиб, бирор бир масжид ёки йўлда намоз ўқишидир. Агар таҳорат қилишга умум имкон бўлмаса, масалан, сув топа олмаслик каби, у ҳолатда таяммум қиласи ва намозини ўз вақтида адо этади. Валлоҳу аълам.

Аёл кишининг илм ўрганиши

САВОЛ: Исломда аёл кишининг илм ўрганишининг аҳамияти қандай?

ЖАВОБ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарзdir», деганлар. Шундай экан, биз ҳам аёл кишининг таълим олиши фарз, деймиз.

Умар розияллоҳу анху Бану Адий қабиласидан бўлган бир аёлни қизи Ҳафсага ўқиши ва ёзишни ўргатиш учун олиб келди. Ҳафса таълим олганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам унга уйландилар ва Ҳафсага қолган илмлардан таълим бериши учун ҳалиги аёлнинг уйларига келишини буюрдилар. Шунда Умар: «У таълим олган», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «(Олган илмини) чиройли ва яхшилаши учун», дедилар.

Бас, аёл киши таълим олсин. Лекин асосий эътиборни ҳаётда унга ёрдам берадиган навъий (турли) илмларга қаратиши керак бўлади.

Саволларга шайх Шаъровий жавоб берган.

ЭР-ХОТИНЛИК ХУҚУҚЛАРИ

Исломда эр-хотин орасидаги алоқалар энг муқаддас инсоний муносабатлар эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо ўша алоқалар қай тарзда йўлга қўйилиши кераклигини ҳам яхши билишимиз ва мазкур билимга амал қилишимиз лозим.

Эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари қандай бўлиши керак?

Эр ким? Унинг қандай мажбуриятлари бор?

Хотин ким? Унинг қандай мажбуриятлари бор? Уларнинг қандай оиласиб ҳуқуқлари бор?

Ўзаро муносабатлари қай тарзда бўлиши керак? Шариатимизда шу ва шунга ўхшаш саволларнинг барчасига жавоб берилган.

Ҳамма хужжат ва далилларни тўплаб, ўрганган уламоларимиз эрнинг хотиндаги хақларини қўйидагича баён қилганлар:

1. Аёл киши эри ҳузурида унинг изнисиз нафл рўза тутмаслиги лозим. Фарз рўза тутиши учун эса ҳеч кимнинг изни керак эмас. Шунингдек, эри узоқдагида унинг изнисиз нафл рўза тутса бўлаверди. Эр борлигига аёл фақатгина унинг изни билан нафл рўза тутиши керак. Чунки ҳар қачон эрининг у билан бирга бўлиш истаги зохир бўлиши мумкин. Рўза эса бу ишга тўсик бўлади. Исломда турмуш ўртоғининг шаръий хаққи нафл ибодатдан устун қўйилмоқда! Бу хақиқатни мусулмонлар

жуда яхши тушуниб етмоклари ва унга оғишмай амал қилишлари лозим.

2. Аёл киши эрининг рухсатисиз бегона одамини уйга киритмаслиги шарт. бу ҳам эрнинг ҳакларидан биридир. Абу Хуррайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам**: «Аёл киши учун эри борида унинг изнисиз рўза тутиши ва унинг изнисиз уйга бировни киритиши ҳалол эмас», **дедилар**». Чунки эри йўғида унинг уйига кирган одам туфайли оиласа катта заарлар этиши мумкин. Бу одам ёмон одам бўлса, ёлғиз аёлга ёмон кўз билан қарashi ёки ҳаракат қилиши, оиласидаги сирларни ташқарига олиб чиқиши мумкин. Оиласининг энг муҳтарам жойи бўлмиш уйга оила бошлиғининг изнисиз тўғри келган одамни киритавериш эрга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

3. Аёл киши эри хоҳлаган вақтда, шаръий узр бўлмаса, унинг жинсий эҳтиёжини қондириши керак. Абу Хуррайра розияллоҳу анхудан



ривоят қилинади: «**Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қачон эр хотинини түшагига чақирса-ю, у келишдан бош тортса, уни фаришталар тонг отгунча лаънатлаб чиқадилар», дедилар**». Аёл киши эри уни түшакка чақирған пайтда бош тортса, ана шу асосий максадлардан бирини бажаришдан бош тортган бўлади. Бу аста-секин соғлиқ, меҳр-муҳаббат, ижтимоий ва бошқа тарафлардан заарлар етишига, борабор оиласда келишмовчиликлар келтириб чиқариб, ҳатто унинг бузилишига ҳам олиб бориши мумкин. «Шаръий узр» дейилгандан, фарз рўза тутган, ҳайз ёки нифос кўрган ҳолатга ўхшаш, динда жинсий алоқа ман қилинган ҳолатлар на зарда тутилади. Зотан, эр-хотин бўлиб оила курниб яшашнинг имтиёзларидан бири ҳам шудир.

4. Хотиннинг эрига итоат қилмоғи. Термизийнинг лафзида: «**Агар бировни бировга сажда қилишга амр қилгудек бўлсан, хотинни эрига сажда қилишга амр қилган бўлар эдим**», дейилган. Эр – оиласнинг раҳбари. Агар аёл эрнинг итоатида бўлса, фарзандлари ҳам отасига итоат қиладиган бўлади. Оқибатда оиласда дўстлик, муҳаббат хукм суради, оила мустаҳкамланади. Аёлнинг эрига итоатсизлиги эса оиласнинг бузилишига, бошқа кўплаб ноқулайликларга сабаб бўлади. Ушбу хақиқатни хар бир мусулмон, оиласнинг хар бир аъзоси яхшилаб тушуниб олиши керак.

5. Аёл киши эри ёмон кўрадиган кишиларни уйга киритмаслиги ва уни түшагига ўтириғизмаслиги керак. Амр ибн Аҳвас розияллоху анхудан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Огоҳ бўлинглар! Албатта, сизнинг хотинларингизда хаққингиз бордир ва хотинларингизнинг сизда хақла-ри бордир. Тўшагингизни сиз ёқтируммаган кишиларга бостирумасликлари ва сиз ёқтирумайдиган кишиларнинг уйингизга киришига изн бермасликлари сизнинг хотинингиздаги хаққингиздандир. Огоҳ бўлинглар! Уларнинг кийимларини ва таомларини яхшилаб қўйишингиз уларнинг сиздаги хақла-ридандир», дедилар**». Бу ишнинг алоҳида таъкиланишининг боиси, кўпчилик наздиди арзимас бўлиб кўринган нарса оиласда урушжанжаллар келиб чиқишига, оиласнинг бузилиб кетишига сабаб бўлиб келганидир.

6. Эрга нисбатан барча ишларда яхши муомалада бўлиш лозим. Муъоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қай бир хотин бу дунёда эрига озор берса, албатта, унинг «хури ийн»дан бўлган хотини «Унга озор берма! Аллоҳ сени ҳалок қилисин! У сенинг олдингда қўноқ бўлиб турибди, холос. Яқинда сени тарк этиб, биз томон жўнайди», дейдилар**», деганлар».

Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган.

Ушбу ҳадиси шариф ҳам аёл киши ўз эри билан доимо яхши муомалада бўлиши кераклигига, эри ундан озор чекмаслик хаққига эга эканига далилдир.

7. Эр-хотинига одоб бериш хаққига эгадир. Аллоҳ таоло бундай деб буюради: «**Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар итоат қилсалар, уларга қарши бош-қа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ Олийдир, Улуғдир» (*Niso surasü, 34-oyat*). Итоатсизлик аломатлари кўриниб, эрни беҳурмат қила бошлаганида, унга ваъз-насиҳат қилинади. Аёлга унинг ҳатоларини баён қилиб, уларни тузатиш йўллари кўрсатилади. Одоб беришнинг кейинги босқичи ётоқда ҳижрон қилиш, бирга ётмай қўйишидан иборатдир (бу ўша хонанинг ўзида, у ерни тарк этмаган ҳолда амалга оширилади). Албатта, ҳижрон ваъз-насиҳатдан кўра анча таъсирили чорадир. Агар бу ҳам фойда бермаса, энг таъсирили чорани қўллашга мажбур бўлинади. Бундай аёлни уришга тўғри келади. Аммо уриш деганда қаттиқ калтаклаш, жароҳатлаш, баданда из қолдириш тушунилмайди. Уламоларимиз бу оятдаги уришни мисвок билан ёки курсаткич бармоқ билан туртиш, деб таъвил қилганлар.**

8. Шофеъий, Моликий мазҳабларида ҳайз, нифос ва жунубликдан кейин ғусл қилиш ҳам эрнинг хотиндаги хақларидандир. Чунки хотин ҳайз ва нифосдан кейин ғусл қилмаса, эр унга яқинлашиши мумкин эмас. Шунинг учун у хотинини ғусл қилишга мажбурлаш хаққига эга. Жунуб аёл эса тезроқ ғусл қилиб, намоз ўқиши лозим.

9. Эр маҳри муъажжални адo қилган бўлса,

хотинини ўзи билан сафарга олиб кетиш хаққига эга. Яъни аввал беришга келишилган маҳрни хотинига бериш билан эрнинг уни ўзи билан сафарга олиб кетиш хаққи ҳам собит бўлади.

Шу билан бирга, аёлнинг эрига нисбатан риоя қиласидаги одоблари ҳам бор:

1. Муслима аёл Аллоҳ таолога маъсият бўлмаган барча нарсада эрининг розилигини топишга ҳаракат қиласиди. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бир хотин ўлса-ю, эри ундан рози бўлса, у жаннатга киради», дедилар.**»

2. Ҳаётдаги энг гўзал фазилат қаноатдир. Рисоладаги хотин ўзини ушбу фазилат билан зийнатламоғи лозим. Авваллари момоларимиз ризқ-рўз топиш учун жўнаб кетаётган эрларига: «Ҳаром касб қилманг. Аллоҳдан кўркинг. Биз очлик-ночорликка чидаймиз, лекин дўзахнинг азобига чидай олмаймиз», дейишар экан.

3. Эрга ихлос билан хизмат қилиш ҳам аёлларнинг юксак одобларидан биридир. Улуғ имомлардан бири Жаъфар Содик: «**Бир солиҳ аёл ўз эрига етти кун хизмат қилса, Аллоҳ унинг қаршисидаги дўзахнинг етти эшигини ёпди ва жаннатнинг саккиз эшигини очади**», деган эдилар.

4. Хотин оиласида чиройли амалларга одатланиши лозим. Қуръон ўқиши, китоблар билан танишиб туриш, ахборотлардан хабардор бўлиш шулар жумласидандир. Чунки оқила ва маърифатли аёл ҳамиша эъзозда, эътиборда бўлади.

5. Уйнинг содда, саранжом-саришта бўлиши ҳам асосан хотин кишига боғлиқ. Унинг зийнати нақш нигору аёлларда эмас, балки саришталик, тутувлик ва меҳр-муҳаббатда эканини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

6. Хотин киши эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳдан, ёмон ишлардан қайтаради, савобга, яхши ишларга ундан туради.

Бундай аёллар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймондан сўнг эришган энг яхши нарса солиҳа хотиндир, унга қараса, хурсанд қиласиди ва Аллоҳнинг амрини бажаришда ёрдам беради», деб мақтаган аёллар қаторига кирадилар.



7. Солиҳа хотин енгиллик пайтида ҳам, оғирчилик пайтида ҳам эри учун энг яқин киши, дардкаш, маслаҳатчи бўлади. Уни сабр-чидамга даъват қиласиди, тушкун кунларида кўнглини чўктирмай, доимо олдинга интилишга ундаиди.

8. Солиҳа аёл ўз эрининг яқин ёрдамчиси, ишончли кишиси бўлиб, ҳамма нарсаларни тартибга солиб туради. Унинг қилмоқчи бўлган ишларига хурмат билан қараб, вაъда ва учрашувларини ўз вақтида ўтказишига ёрдам бериб боради. Бу ҳолат, албатта, эрни уйга боғлайди. Чунки у бу ерда роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловат топади.

9. Аёл киши эри ҳузурида ширинсухан, хушмумала бўлиш билан бирга, тоза, чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиши керак. Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига соқинлик киритади, қалбига қувонч бағишлийди.

10. Рисоладаги хотин эрининг олдида ҳам, оритидан ҳам обрўсини, молини сақлайди, шарафи ни муҳофаза қиласиди.

ҲАЗРАТИ ЗАЙНАБ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО

Расулу Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари орасида Зайнаб исмлилари иккита бўлган. Бири – Зайнаб бинти Жаҳш, иккинчиси – Зайнаб бинти Хузайма. Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жуда оз яшаб, эрта вафот этганлар. Шунинг учунми, улар хақларидаги маълумотлар жуда кам.

Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлишларидан таҳминан ўн йилча олдин Маккада туғилганлар. Улар Бану Халил қабиласидан эдилар. Оталари – Хузайма ибн Ҳорим ибн Абдуллоҳ Ҳилолий, оналари – Ҳинд бинти Авф ибн Ҳорис ибн Ҳитома Ҳумария бўлганлар.

Айрим манбаларда келишича, биринчи турмуш ўртоқлари билан ажрашгач, Абдуллоҳ ибн Жаҳшга турмушга чиққанлар. Ўз оиласидан билан Мадинага хижрат қилганлар. Бадр урушида ярадорларга кўмаклашганлар. Ухуд ғазотида турмуш ўртоқлари Абдуллоҳ ибн Жаҳш шаҳид кетганидан сўнг Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо бева қолдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хижратнинг учинчи йили Ҳазрати Ҳафса онамиздан кейин Ҳазрати Зайнаб розияллоҳу анҳони никоҳларига олдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо Бакий қабристонига дафн қилинганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларида ҳазрати Ҳадича онамиз ва ҳазрати Зайнаб онамиздан бошқа завжлари вафот топмаган.

Зайнаб бинти Хузайма онамиз илгаридан «Мискинларнинг онаси» маъносида «Уммул масокин» номи билан машҳур бўлганлар. Фақирларни, камбағалларни ҳимоя қилиб, уларга кўп яхшиликлар қилар эдилар. Ўрта ёшли, марҳамат соҳибаси, ажойиб аёл эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайнаб онамизни ҳимояга муҳтож, тул бўлганликлари хамда шафқат соҳибаси бўлганликлари сабабли никоҳларига олганлар. Аммо Зайнаб онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жуда оз муддат яшадилар. Уч ойдан сўнг, ҳижрий сананинг охирги чораги-



да, ўттиз ёшларида дорул-бакога риҳлат қилдилар. Зайнаб бинти Хузайма онамиз розияллоҳу анҳонинг жанозаларини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ўқиганлар. Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо Бакий қабристонига дафн қилинганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларида ҳазрати Ҳадича онамиз ва ҳазрати Зайнаб онамиздан бошқа завжлари вафот топмаган.

Аллоҳ таоло Уммул масокийн, марҳамат соҳибаси бўлган онамиз – Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳодан рози бўлсин.

ДИНИЙ МАВЗУЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ҚИЗИҚЧИЛИК ҚИЛИШ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «**Кимки кулиб гуноҳ қилса, уйиғлаб дўзахга киради**».

Аслини олганда кўп қулиш қалбни ўлдиради. Шариатимизда бу борадаги тақиқлар етарлича келган. Инсон кўп қулиш билан охират ғамларини унугдайди. Қабр азоби, сирот, маҳшаргоҳ ва дўзахда бўладиган азобу мاشаққатлар ҳақида қайғурмайдиган бўлиб қолган инсон, шубҳасиз, ўз нафсига зулм қилган инсондир. Аллоҳ таоло айтади: «**Бас, қилган қасблари жазосига оз қилиб, кўп йиғласинлар**» (*Тавба сураси, 82-оят*).

Охирги пайтда қизиқчилик қилиб одамларни кулдирадиганлар жуда кўпайиб кетди. Энг аянчли ҳолат эса билар-бilmас, шариат аҳкомларини, жаннату дўзахни ва ҳоказоларни ўз қизиқчилик дастурларига киритиб, қизиқчилик орқасидан «нон топаётган» инсонлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу инсонлар жонларига зулм қилаётганларини, ўзлари учун охират азобини танлаб олаётганларини билишармикан? Аллоҳ таолонинг шариати инсонлар унга амал қилиб, охират саодатига эришишлари учун юборилгандир. Аллоҳ таолонинг шариати ўйинчоқ эмас! Бу мавзуларни қўшиб қизиқчилик қулиш мутлақо жоиз эмас. Ушбу амалларни қилаётган қизиқчи-масхарабозлар, шу жумладан, бу қизиқчиларнинг асқияларини эшитиб, қаҳ-қаҳ отиб кулаётганлар ҳам ўз иймонларини қанчалик хавфга солаётганлари ҳақида бир ўйлаб кўрсинлар ва дарҳол тавба қилсинлар. Аллоҳнинг жаҳаннами, бу – гўзал жой эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазил қилганлар, лекин бу ҳазиллари Аллоҳ таолонинг шариатига хилоф бўлмаган. Ҳазил қилишда ҳам чегара бор.

Иброҳим Наҳай айтадилар: «Киши гапириб, атрофдагиларни кулдиради. Бу калима билан Аллоҳ унга ғазаб қиласди. Унга Аллоҳнинг ғазаби бўлади. Бу ғазаб унинг атрофидагиларни умум қиласди (қамраб олади). Киши бир сўз айтади, Аллоҳ ундан рози бўлади. Унга ва атрофдагиларга раҳмат етади».

Ёлғон гапириб, ёлғон тушларни тўқиб одамларни кулдириш ҳам Исломда қаттиқ қоралангандир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтадилар: «Ёлғон гапириб, одамларни кулдирган кимсага вайл бўлсин, вайл бўлсин, вайл бўлсин!»

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ айтганлар: «Мен бир марта кулганман, аммо ўшанга ҳам кўп пушаймонларим бор. Қадарий – мўтазилийларнинг имоми Амр ибн Убайд билан мунозара қилдим. Фалабани сезиб, кулдим. У менга: «Илмдан гапириб, яна куласан. Сенга ҳеч қачон гапирмайман», деди. Мен ўша ишга пушаймон бўлдим. Ўшанда кулмаганимда, унинг менга айтган сўзига жавоб қайтарар эдим. Бунда олимнинг салоҳияти бор». Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ бир марта кулганларига шунчалик пушаймон эканлар, биз каби қаҳқаҳ отиб кулувчиларнинг ёки одамларни, динни масхара қилувчиларнинг, эркак бўла туриб, аёллар либосларини кийиб асқия қилувчиларнинг ҳолини гапирмасак ҳам бўлади.

Бу мавзуга Ҳасан Басрийнинг сўzlари билан якун ясаймиз.

Ҳасан Басрий айтдилар: «Кулувчига ҳайрон қоласан! Ахир, унинг орқасида дўзах! Хурсанд бўлувчига ҳайрон қоласан! Ваҳоланки, унинг орқасида ўлим!»

Россия империясининг йирик ҳарбий мутахассиси, машхур тарихчи, 1830-1840 йилларда Хивани зabit этиш учун юборилган ҳарбий экспедиция қатнашчиси генерал лейтенант Михаил Игнатович Иванин (1801-1874й.) русларнинг Шарққа дастлабки юришларидағи муваффакиятсизликлари сабабини бу ўлкалардаги халқларнинг буюк саркардалари ҳарбий маҳоратини, усул ва услубларини ўрганмасдан ишга киришилганликда кўради. Шу боисдан у энг аввало Чингизхон ва Амир Темурнинг ҳарбий стратегияси ва тактикасини, кўзланган мақсадга эришиш йўлларини пухта ўзлаштиришни тавсия килиб ҳамда Россия хукумати бу борада амалга ошириши зарур бўлган ва амалга оширган ишларни ёритиб, китоблар («Два полководца: Чингисхан и Мир Темур». С-Петербург, 1B74; Записки о государственных и

общественно-экономических нуждах Туркестанского края. С-Петербург, 1906) ёзади. Бу китоблар ўқувчида турли фикр-мулоҳазалар ва холосалар уйғотади. Қуйида улардан айрим парчалар келтирилади.

Бизнинг 1839-1840 йиллардаги Хивага қилган муваффакиятсиз (омадсиз) юришимиздан сўнг мен мўғул-татар ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ва Амир Темур давридаги ҳарбий санъатини ўрганишга киришдим. Уларнинг тузумлари ва асосий юришлари ҳақидаги қисқача баёнданоқ мўғул-татарлар қўлга киритган улкан ютуклар фақатгина қўшиннинг кўплиги ва жангчиларнинг ботирлигига асосланган эди, деган биздаги нотўғри тушунчанинг умуман асоссиз эканлиги кўриниб турибди, деб ўйлайман.

Мана шу қисқача баёнданоқ Осиёдаги катта кучлар билан уруш олиб бориш мумкин-

КУРАПМОҚ УЧУН ЎРГАНМОҚ КЕРАК

лиги, аммо аввал уларни яхши билиб олиш ва жангчиларни дунёнинг мана шу қисмiga юришлар қилиш учун тайёрлай билиш кераклиги кўриниб турибди. Осиёда яна уруш бўлган тақдирда (Россия ва европаликларнинг Ўрта Осиёга юриши эҳтимоли кўзда тутилмоқда) биз мўғул-татарлардан кам сонли кишилар билан жанг қилиш ҳамда отлар, тяялар ва чорва молларининг учарларини химоя қила олиш санъатини ўрганишимиз, улардан Осиёда бўладиган юришлар учун, ҳатто қишида ҳам оёқ остидаги ўт-чўплардан қаноатланиб кетаверадиган ва қуруқ ем-хашакни ҳамиша ҳам талаб қилавермайдиган дашт отларига кўпроқ эга бўлиш қоидасини

ўзлаштишимиз керак, деб ўйлайман. Осиёда бўладиган узоқ муддатли юришлар учун яна қўчманчи халқлардан кўчишлар кўринишидаги юришлар қилиш ва шу қўчишлар мобайнида отларни ҳарбий қийинчиликларга чидамлироқ қилиб бориш санъатини ҳам ўрганиб бориш фойдали бўлур эди.

Шундай қилиб, Осиёда урушлар қилган тақдирда биз ўзимизнинг жанубий ва жануби-шарқий давлатларимизда юклар, пиёдалар ва захираларни Осиёнинг кенг сувсиз ва қумли чўлларидан олиб ўтишда тяяларни, отлик аскарларни зарурат туғилганда алмаштиришда керак бўладиган отлар билан ва озиқ-овқат билан таъминлаш учун чорва

молларини кўпайтириш ҳақида ўйлашимиз лозим. Бизнинг жанубий ва жануби-шарқий даштларимизда бу ҳайвонлар ҳамиша яхши боқиб келинган, фақатгина тую у ердаги аҳолининг кундалик заруратига айланиши ҳақида қайғурмасак бас.

Бундан ташқари жуда оз бўлса ҳам, чўл юришларига ўргатилган туяларда жанг қила оладиган жангчиларга эга бўлишимиз, бунинг учун тажриба сифатида туяларда юрувчи унча катта бўлмаган пиёда жангчилар отрядларини тузишимиз, уларни кейинчалик, зарур ҳолларда фойдаланиш учун ҳарбий ҳаракатлар қилишга ҳам, заҳиралар ва тўпларни ташиб юришга ҳам ўргатишимиш лозим. Ва ниҳоят, Осиёни ҳарбий жиҳатдан билиб олиш мақсадида дунёнинг шу қисми ҳақида кўпроқ ҳарбий жиҳатдан муҳим маълумотлар босиладиган, давлат ҳомийлигига бўлган жаридани мунтазам равишда чоп этириш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта Осиёни сиёсий жиҳатдан ҳозирги аҳволда тутиб туриш учун биз Англия билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатларга асосланган ҳаракатларга келишиб олишимиз керак бўлади. Ўрта Осиё унинг ҳалқларини ягона бир жамиятга бирлаштиришга йўл қўймайдиган воситаларга эга бўлган давлатлар (яъни Россия ва Хитой) тасарруфидан ёки таъсири остидадир.

Душманда нимаики яхши нарса бўлса, уни издан чиқаринг, ўлдиринг, амалдорларни ва машхур кишиларни мавқеъларига ярашмайдиган ишларга жалб этинг; лозим бўлганда эса фош қилинг. Душманнинг энг ярамас одамлари билан махфий алоқада бўлинг, хукumatга халақит беринг, ҳар ерда низо уруғини сочинг, норозилик туғдиринг, кичикларни катталарга, хизматчиларни бошлиқларга қарши қайраб қўйинг.

Душманнинг қўшинларини кийим-бошсиз, озиқ-овқатсиз қолдиришга ҳаракат қилинг, улар феълини (асабини) бўшаштирувчи

мусиқалар юборинг. Тамоман расво қилиш учун бузук аёлларни йўлланг. Такаллуф, ваъдалар ва совғаларга саҳий бўлинг. Уларнинг сирларини билиш учун пулни аяманг, чунки қанча қўп пул сарфлассангиз, шунча кўп фойдаси билан ўзингизга қайтади. Ҳар ерда айғоқчиларингиз бўлсин. Хитой ҳарбий ёзувчилари, Хитой Макимвеллисининг айтишича, кимки бу воситалардан фойдалана олса ва душман орасига низо уруғини соча билса (биз буни ўз давримизда Осиё ҳалқлари билан бўлган урушларда кўрмоқдамиз), у ҳоким бўлишга ҳақли; ва давлат учун чин ҳазина ҳамда таянчдир...

Агар бу икки давлат (Россия ва Хитой) соғлом сиёсат юргизса ва Ўрта Осиё ҳукмдорлари ўртасидаги истилочилик ниятларини бостириш учун аҳиллик билан ҳаракат қиласа, у ҳолда Осиё узоқ вақтгача қонли ларзалардан холи бўлиши мумкин. Худди шунингдек, Англия ҳам жанубдан ҳаракат қилиб, бу ишда (мустамлакачилик босқинида) қатнашиши мумкин, чунки Ҳиндистон ҳамиша истилочилар учун лаззатли луқма бўлиб келганлиги туфайли Англияning хусусий манфаатлари Ўрта Осиёда кучли ярим давлат юзага келишига йўл қўймаслик, бунинг учун эса Ўрта Осиё ҳалқларини янги такомиллашган қурол-яроғ билан таъминламаслик лозимлигини кўрсатиб турибди...

...Шуни ҳам назардан қочирмаслик лозимки, Туркистон мусулмонлар бешигидир. Ўрта осиёликлар ҳеч қачон насроний(христиан)ларга ён босмайдилар. Улар динсизларга бўлган ўз хаёлий муносабатларини фақат куч ишлатилгандагина ўзгартиришлари ва шундагина ўз тақдирларига тан беришлари мумкин.

Мажид Ҳасанийнинг «Юрт бўйнидаги қилич ёки истило» (Тошкент, «Адолат», 1997) китобидан олинди.

МУМКАНДЫКАТ



Бир шогирд устозига шикоят қилиб: “Устоз, мен нега шунча ҳаракат қилсам ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тушиимда күра олмаяпман? Нега бундай бўляпти? Қанийди, у зотни тушиимда кўрсам”, дебди. Устоз шогирдига қараб: “Эртага бизнинг уйимизга борсанг, истаган нарсангни тушингда кўришинг мумкин”, деб жавоб берибди. Шогирд тезроқ кун ўтиб, устози айтган соатлар етиб келишини интиқлик билан кутибди. Айтилган вақт ҳам келиб, ваъдалашилганидек, шогирд устозининг уйига борибди. Устоз шогирдига ҳеч нарса демасдан, унинг олдига таом қўйибди ва: «Қани, марҳамат қилсиллар», дебди. Шогирд таомдан озгина ебди. У жуда ҳам шўр экан. Ноңдан тишлаб кўрибди, ноң овқатдан ҳам шўрроқ экан. Чой ичмоқчи бўлган экан, унга ҳам туз қўшилган шекилли, овқат ва ноңдан ҳам шўрроқ экан. Шогирд устози томонидан тортиқ қилингган егуликларни емасликдан ҳижолат бўлиб, ҳаммасини еб тугатибди. Кечаси устозининг хонадонида тунаб қолибди. Уйқусида ширин булоқ сувларини туши кўриб чиқибди. Эрталаб тургач, кўрган тушиларини устозига айтиб берган экан, устози унга қарааб дебди: “Сен кечак шўр нарсалардан истеъмол қилиб, роса чанқаганингдан, тушингда булоқ сувларини кўриб чиқдинг. Кишининг қалбида нимага муҳаббат кучли бўлса, тушида ҳам, хаёлида ҳам, фикру-зеҳнида ҳам ўша нарсани кўраверади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриши учун у зотга бўлган муҳаббатимиз ҳамма нарсадан устун бўлиши керак...”

Биз-чи? Бизнинг у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатимиз қалбимиз тўридан жой олганми ёки...?



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

ёхуд
ХАЛҚ ИЧИДА ЁЙИЛГАН ИЛЛАТ

Барча ҳамду сонлар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз. Ундан ёрдам сўраймиз. Нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи йўқ, адаштирган кимсани эса ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен «Ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Унинг ўхшиши, тенги ва мисли йўқдир», деб ва «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг бандаси, элчиси, халили, халқлари ичидан танлаб олган ва Ўз ваҳийсига ишонган аминидир», деб гувоҳлик бераман.

Кўп йиллик диндан узоқда яшаш халқимиз орасида ҳар хил ирим-сиримлар, бидъят ва хурофотлар ёйилишига сабаб бўлди. Ўзбек халқининг динга бўлган чанқоқлигидан фойдаланган айrim кишилар мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзлари диний саводга эга бўлмаган ҳолда турли ботил китоблар ва рисолаларни нашр қила бошладилар. Бу ҳолат халқнинг манашу нарсалар динда бор экан, деган мулоҳазалар-

га бориб қолишига сабаб бўлди. Собиқ иттифоқ даврида пана-пасқамда беркиниб иш қиласидан фолбину-киннанилар ҳам аста-секинлик билан бошларини кулбаларидан чиқариб, куфр амалларини ошкора қилишга киришдилар. Ўз бошига бирор-бир мусибат етганда уни аритишга қурблари етмайдиган бундай ношудлар халқни куфр ботқогига ботиришда шайтонга яқиндан ёрдам бериш учун бел боғладилар. Ифлос амалларига одамлар шубҳа билан қарамасликлари учун Қуръонни, тасбехларни восита қилиб, ўзларини ҳам одамларга намозхон қўрсатиб, мўмайгина даромад ишлай бошлашди. Аста-секинлик билан фолбинликнинг замонавий кўриниши «мунажжимлар башорати» рукни остида газета ва журналлар саҳифаларидан жой ола бошлади. Охир-оқибат, бугунга келиб кўпчилик одамлар ушбу газета ва журналларни улардаги «мунажжимлар башорати», яъни «гороскоп» учун харид қиласидан бўлишди. Ҳаттоқи охирги саҳифасида «гороскоп»и бўлмаган газеталарнинг бозори

чаққон бўлмай қолди. Минг афсуслар бўлсинки, мусулмонман деган кўпчилик намозхонлар ҳам бу башоратларни ўқиб, амал қилишмоқда. Одамлар бу башоратлар фолбинликнинг ўзгача кўриниши эканлигини пайқамайдилар ёки пайқасалар ҳам, жиддий қарамайдилар. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай дейди:

«Эй иймон келтирганлар! Албатта, ҳамр, қимор, бутлар ва (фол очар) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг» (*Моуда сураси, 90-оят*).

Ушбу оят мазмунидан кўриниб турибдики, худди ҳозиргилари каби, жоҳилият даврида ҳам фолбинликнинг турли шакллари бўлган. Ўша даврларда баъзилар ёнларида олиб юрадиган учта бир хил: бирида «қилгин», бирида «қилмагин» деган белгилари бор, учинчисига эса ҳеч нарса ёзилмаган чўплари билан фол кўриб кетаверишган. Файб илми фақатгина Аллоҳга хос илмдир. Бу илмдан оз микдорини ўзи истаган пайғамбарларигагина инъом қиласди. Куръони каримда:

«У гайбни билувчиидир ва ҳеч кимни Ўз гайбидан хабардор қилмас. Ўзи рози бўлган Расул мустасно», дейилган (*Жин сураси, 26-27-оятлар*).

Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг сўзи ҳақ. Бирор бир киши гайб ишига аралашибга ҳақли эмас. Гайб ишига аралашиб инсонга дунё-ю охиратда хорликдан бўлак ҳеч нарса келтирмайди. Биз буни атрофимиздаги одамлар хаётида жуда кўп кўрдик. Мисол келтирадиган бўлсақ, бир киши иш бошламоқчи эди. Кўрдик, мунажимлар башоратида эртанди қиладиган иши самараисиз бўлиши ёзib кўйилган. У эса бу башоратларга ишонади. У нима қиласди? Албатта, бу ёлғонни тасдиқлаб, қиладиган ишини тарқ этади. Бундан нима фойда кўрди? Агар у жамият учун фойдали иш бўлса ҳам, уни тўхтатди, ўзи ҳам моддий манфаатдан қуруқ қолди. Охиратдаги азоби эса Аллоҳга ҳавола. Фол очиш ҳам, очтириш ҳам ширкдир.

Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиласди:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким башоратчи ёки фолбинга борса ва гапларига ишонса, Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга туширилган нарсаларга кофир бўлибди».

Бошқа бир ҳадисда шундай дейилади:

«Ким фолбиндан бирор нарса ҳақида сўраса, унинг қирқ кечалик намози қабул қилинмайди» (*Имом Муслим ва Аҳмад ривоят қилишиган*).

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Фолбин сеҳргардир, сеҳргар эса кофирдир», деганлар. Кўпчилик диний билимга эга бўлмаган инсонлар «Фолбинларнинг гаплари баъзан тўғри чиқади-ку», дейишади. Ушбу саволга Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисни жавоб тариқасида келтириб, мақоламизга якун ясамоқчимиз.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фолбинлар ҳақида савол сўрашди. У зот: «Фолбинлар ёлғончиidlар», дедилар. Шунда одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, аҳён-аҳёнда уларнинг гаплари тўғри чиқади-ку», дейишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жин бир ҳақ гапни эшитиб, фолбинга етказади. Улар эса юздан ортиқ ёлғонни аралаштириб айтишади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишиган.



Фарзанд туғилганидан бошлаб ота-онасининг кўлида омонат экан, Ислом дини уларга бола туғилиши билан унга тўғри ички фазилатларни сингдиришни буюради. Бола ақлини таниганидан бошлаб уни журъат ва шижоат, бошқаларни яхши кўриш, ғазабини босиш каби чиройли фазилатлар билан зийнатлаб ўстириш ҳам ота-оналарнинг муҳим бурчи хисобланади. Бундай тарбиядан кўзланган мақсад боланинг шахсиятини ривожлантиришдир... Токи у балоғатга етиб, мукаллаф бўлгач, ўз вазифаларини энг чиройли суратда адо этсин. Шунингдек, боланинг шахсияти намоён бўлишини чеклайдиган – ҳаётга ёмон назар билан қараш, шумланиш каби ёмон одатлар ва уларга сабаб бўладиган барча омиллардан уни йироқ тутиш лозим.

Кўпчилигимиз бола тарбиясини катталар олдидаги ўзини одобли тутиш, итоаткорлик, гап қайтармаслик ёки шунга ўхшаш факат муомалада зоҳир бўладиган хунук иллатлардан қайтариш билан белгилаймиз. Болага мана шу «тарбия»ни бериш учун ҳеч нарсадан тоймаймиз, ҳатто бу йўлда ундаги бошқа кўпгина фазилатларни билб-билмай йўққа чиқарамиз.

«Қанақасига?» дея ҳайрон бўляпсизми? Масалан, болани ҳар гап қайтаришдан тўсавериб, ундаги ҳозиржавобликни, ўз фикрини мустақил баён қилиш хислатини йўққа чиқарамиз. Буларнинг йўқолиши натижасида боланинг шахсиятида тадбирсизлик, бўшлиқ, хижолат, уятчанлик, кўрқоқлик, хасад, журъатсизлик, ўзига бўлган ишончнинг йўқолиши, ўзини паст баҳолаш, яъни камситиш каби яна каттакатта муаммолар келиб чиқади. Бола эса бундай руҳий камчиликлардан кутулмагунича азият чекиб юраверади.

Бу билан «Бола сизга гап қайтарса, индамай туриңг», демоқчи эмасмиз. Аввало ўзингиз фарқлаб олинг, бу ҳозиржавобликни, мустақил фикрми? Бола мана шу айтаётган гапи билан ҳақиқатда


сизга итоатсизлик қилмоқчими? Боланинг ўзига ота-онага исён бўладиган гапи учунгина танбех берадиганингизни тушунтириб қўйинг.

Болаларда энг кўп кўзга кўринадиган, шахсиятини чеклайдиган омиллардан яна бири – уятчанлик ва торгинчоқликдир. Бола шартаки бўлганидан кўра торгинчоқ бўлгани яхши, деб ўйлашимиз уни келажакда кўп нарсадан маҳрум қилиши мумкин. Балки уларга шартакилик билан торгинчоқлик ўртасидаги ҳаё фазилатини сингдириш лозим.

Торгинчоқлик боланинг бошқалар билан мулоқотда тортиниб, «ёпилиб» олишидир. Ҳаё эса боланинг фазилати ва Ислом одобига риоя этишидир. Болага ёшлигидан ёмон иш қилишдан уялишни, катталарни ҳурмат қилишни, кўзни ҳаромдан тийишни ўргатиш, яширинча гап пойлаш каби ёмон ишлардан қайтариш торгинчоқликдан эмас. Тилини ботилга ўйнишидан тийиш, нағсини ҳаром ва шубҳали егуликлардан тийишга одатлантириш ҳам торгинчоқликдан эмас. Ҳаё хусусида қўйидаги ҳадиси шарифга эътибор қартишимиз лозим:

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

ФАРЗАНД



«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Аллохдан ҳақиқий ҳаё қилинглар», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз ҳаё қиламиз, алҳамдулиллах», дедик.

«Үндай эмас. Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақлагомингдир. Ўлимни ва чиришни эсламоингдир. Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнатини тарқ қилур. Ким ўшаларни қилса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур», дедилар» (Термизий, Аҳмад ва ал Ҳокимлар ривоят қилишган).

«Аллоҳим, менга олимга эргашилмайдиган, Ҳалим олдида ҳаё қилинмайдиган замон етмасин» (Имом Аҳмад ривоят қилган).

«Ҳар бир диннинг ўз хулқи бор, Исломнинг хулқи ҳаёдир» (Имом Молик ривоят қилган).

Қуйида баъзи набавий ҳадислар ва тарихий мисолларда салафлар ҳам фарзандларини журъатга ўргатганликлари ва нафсларидағи тортинишни муолажа этганликларини кўрамиз.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «Дараҳтлар ичида бир дараҳтнинг барги тўқилмайди, у муслимнинг мисолидир (ўхшашидир). Унинг нималигини айтинг-чи?» Одамлар чўл дараҳтларини айтиб ўтишди. Хаёлимга унинг хурмо бўлиши мумкинлиги келди-ю, аммо айтишга уялдим. Сўнг «Ўзингиз айтинг, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. «У хурмодир», дедилар» (Бухорий ривоят қилган).

Бошқа бир ривоятда: ««Хурмо» демокчи бўлдим, қарасам, қавмнинг энг кичиги эканман», дейилган. Бу пайтда Абдуллоҳ розияллоҳу анху ҳали балофатга етмаган эдилар.

Яна бошқа бир ривоятда: «Абу Бакр ва Умар гапиришмади, мен ҳам гапиришни ўринли санамадим. Мажлисдан тургач, отамга унинг нималигини билганимни айтдим. У: «Жавобни айтишинг менга қизил туюдан ҳам суюклироқ бўлар эди», деди», дейилган.

Саҳл ибн Саъд Сойдий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоху алайхи васалламга ичимлик келтирилди. Ундан ичдилар. Ўнг томонларида бир ғулом, чап томонлари-

да ёши катталар ўтиради. Ғуломга: «Уларга беришимга рухсат берасанми?» дедилар. Ғулом: «Йўқ! Аллоҳга қасамки, сиздан кейинги насибамни ҳеч кимга илинмайман», деди» (Муслим ривоят қилган).

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Умар мени Бадр шайхларига қўшар эди. Баъзиларига бу ёқмас эди. Ўшалар унга:

«Нима учун боламиз тенги одамни бизга қўшасан?!» дедилар. У эса:

«У ўзингиз билган одам! – деди. Бир куни у мени чақириб, уларга қўшди. Уларга менинг кимлигимни билдириб қўйиш учун қўшганини билиб туардим. Кейин Умар: – Аллоҳ таолонинг «Изаа жааъа насруллоҳи вал фатху» деган қавлига нима дейсизлар?» деди. Улардан баъзилари:


«Қачон бизга нусрат ёки фатҳ берса, Аллоҳга ҳамд ва истиғфор айтишга амр қилиндиқ, деймиз», дедилар. Баъзилари эса сукут сақлаб, бирор нарса демадилар. Шунда у менга:

«Сен ҳам шундай дейсанми, эй Ибн Аббос?!» деди.

«Йўқ», дедим.

«Нима дейсан?» деди.

«Бу Расууллоҳ соллаллоху алайхи васалламнинг ажаллариридир. Аллоҳ буни у зотга бил-



дирди. «Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса...» (ояти) ўша ажалнинг аломатидир. «Бас, Роббингни ҳамд ила поклаб ёд эт ва Ундан мағфират сўра. Албатта, У Таввобидир», деди», дедим. Шунда Умар:

«Аллоҳга қасамки, мен ҳам бу борада факат сен айтган нарсанигина биламан, холос», деди» (*Бухорий ривоят қилган*).

«Амирул мұмминин Умар ибни Хаттоб розияллоҳу анху Мадина күчаларининг биридан юриб ўтаётган эди. Атрофда болалар ўйнаб юришарди, улар орасида Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳам бор эди. Болалар Умар розияллоҳу анхунинг ҳайбатидан қўрқиб қочиб кетишиди. Ибн Зубайр эса қочмай, жим турарди. Умар розияллоҳу анху унинг олдига келиб: «Сен нега болалар билан бирга қочмадинг?» деб сўрадилар. У ҳозиржавоблик билан: «Жиноятчи әмасманки, сиздан қочсан. Сизга йўл бўшатай десам, йўл ҳам тор эмас», деди».

«Умар ибн Абдулазиз ҳайит қуни ўз ўғлини эски бир кийимда кўриб, кўzlари ёшланди. Буни ўғли кўриб:

«Сизни нима йиғлатди, эй амирал мұмминин?» деб сўради.

«Ўғилгинам, болалар сени шу эски кийимда кўришса, қалбинг синишидан, хафа бўлишингдан қўрқдим», деди.

«Эй амирал мұмминин, Аллоҳ ўз ризосидан маҳрум этган ёки ота-онасига оқ бўлган қалб синади. Мен эса Аллоҳ таоло сизнинг розилингиз сабабли мендан ҳам рози бўлишини умид қиласман», деди».

«Умар ибн Абдулазиз ҳалифалигининг бошлирида турли чеккалардан табрикловчи гуруҳлар келар эди. Ҳижозликлардан ёши ҳали ўн бирга тўлмаган бир болакай сўзга чиқди. Умар: «Сен ортга қайт, сендан ёши улуғроғи чиқсин», деди.

Бола: «Аллоҳ мўминлар амирини қўлласин! Киши икки кичик нарсаси – қалби ва тили биландир. Аллоҳ бандага гапиравчи тил, эслаб қолувчи қалб ато этса, демак, гапиришга ҳақлидир. Эй амирал мұмминин, агар иш ёшга қараб бўлганида, уммат ичидан сизнинг ҳам ўрнингизга муносиброқ киши топилар эди», деди».

«Хишом ибн Абдулмаликнинг ҳалифалик ийларида чўллар қаҳатчиликка йўлиқди. Чўл аҳолиси унинг олдига бориб, гапирмоқчи бўлишиди. Ичларида Дирвос ибн Ҳабиб бўлиб, ўша пайтларда хали ёш бола эди. Ҳишомнинг кўзлари шу болага тушиб, олдидаги кишига: «Менинг олдимга ҳамма, ҳатто шу болакай ҳам кирибдида?!» деди. Бола: «Эй Аминал мұмминин, бизга уч йил мусибат етди: бир йил ёғларни эритди. Яна бир йил гўштларни еди. Яна бири суякларни тозалади. Кўлингизда ортиқча мол бор. Агар Аллоҳники бўлса, бандаларига улашиб беринг. Агар бандаларники бўлса, нимага ушлаб ўтирибсизлар? Агар сизларники бўлса, уларга садақа қилиб беринг. Аллоҳ эҳсон қилувчиларни албатта мукофотлайди, ажрларини зое қилмайди», деди.

Ҳишом: «Бу бола бизга бирорта баҳона қолдирмади», деб 100 минг дирҳам арабларга ва яна юз минг дирҳам боланинг ўзига беришни буюрди. Шунда бола: «Уни ҳам араблар улушкига қўшаверинг, уларнинг ҳожатларига етмай қолмасин», деди.

«Ўз ҳожатинг йўқми?» сўради Ҳишом.

«Менинг мусулмон оммасидан бўлак шахсий ҳожатим йўқ», деди бола.

Бола қавмнинг энг улуғи ва ҳурматлисига айланиб, хонадан чиқишиди».

Келтирган мисолларимиздан билинадики, салафлар болаларини тортиниш ва қисилиш каби сифатлардан озод қилиб тарбиялаганлар. Бу эса уларни журъатга ўргатиш, оммавий мажлисларга олиб бориш, дўстлар зиёрати, шунингдек, катталар олдида гапиришга шижаотлантириш ёрдамида юзага чиқкан.

Бугунги кун мураббийлари ва ота-оналари фарзандларининг очиқсўзлик, комил журъат билан вояга етишларига алоҳида аҳамият беришлари лозим. Сўз ва журъат, албатта, одоб ва эҳтиром, бошқаларнинг хиссиётларига ҳамда даражаларига риоя этган ҳолда бўлиши керак. Йўқса, журъат қўйполликка, очиқсўзлик эса бошқалар билан ҳисоблашмасликка олиб келади.

Насиба тайёрлаган

УМАР ВА АЛИ

**орасидаги мустаҳкам алоқа
(жонажон дўстлик алоқаси)**

(Боши ўтган сонларда)

Дўстларнинг энг кичик ёшлиси Мухаммад қизиқиши билан:

«Бобо, яна гапиринг, бизга кўпроқ ривоятлар айтиб беринг!» деди.

Оқсоқол виқор билан:

«Болаларим, ривоятлар жуда кўп. Афсуски, мен анча қариб, хотирам заифлашиб қолган, тез-тез оз дам олиб турмасам, ҳолдан тойиб қоламан. Лекин бугун сизлар билан сұхбатлашиб, чарчоқни ҳам сезмаяпман. Сизлардаги ёшликтар завқи, кўзларингиздаги ўт-олов менга ажойиб куч беряпти. Сизларни Аллоҳнинг Ўзи асрасин. Майли, яна бир оз сұхбатлашамиз. Чарчасам, уйга бориб, Аср намозигача озгина дам олиб, кейин келиб, Асрни ўқийман», деди.

Шунда болалардан бири ялиниб:

«Аср намозига кўп вақт қолмади, бир оздан кейин аzon айтилади. Биз билан қолинг», деди.

Оқсоқол қуёшга қаради-да, чуқур нафас олди. Сўнгра:

«Умар ва Али розияллоҳу анхумо орасидаги мустаҳкам алоқани таъкидлаб келган жуда кўп ривоятлар бор. Мен ёдимда қолган баъзиларини сизларга айтиб бераман. Нима дейсизлар?» деди.

Болаларнинг ҳаммаси кўпроқ ривоят эшишини хоҳлашларини айтишди.



Оқсоқол орқасидаги деворга суюниб, яхшилаб жойлашиб ўтириб олди. Сўнг нигоҳларини бепоён уфққа тикиб, сўзлай бошлади:

«Болаларим, сўзларимни яхшилаб эшитинг, уларни эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

Умар халифаликка байъат қилинганида, Али ҳам байъат беришга шошилган.

Умар розияллоҳу анху ўзининг халифалик ишларида доимий равишида Алидан маслаҳат сўрар, Али ҳам ўз ўрнида Умардан кўрсатмалар оларди.

Умар розияллоҳу анху турли ҳолат ва вазиятларда ўз ўрнига Алини қолдиради. Ривоятларда келишича, Умар розияллоҳу анху Байтул Мақдиснинг калитларини олиш учун кетганида, Алини Мадинаи Мунавварада ўз ўрнига, жами-

ки мусулмонларга ишончли киши қилиб қолдирган. Йўл узоқ эди, у пайтларда кишилар узоқ -узоқ масофаларга баъзан пиёда, баъзан уловда боришар эди.

Фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир. Кўпчилик кишилар фарзандларига ўзлари яхши кўрган одамнинг исмини қўйишиади. Али розияллоҳу анҳу фарзандларидан бирига Умар деб исм кўйди. Мана шу ҳам уларнинг орасидаги гўзал алоқа ўрнатилганлигига далилдир.

Умар ёвуз мажусий Абу Луълуъанинг қўлида ўлдирилишидан олдин ҳаж қилганида, Али у билан ҳажда бирга эди. Шунингдек, бошқа кўпги на воқеа-ходисаларда ҳам улар бирга бўлишган.

Умар розияллоҳу анҳуга пичоқ санчилганида ва шаҳид холида вафот этишидан аввал олти кишига халифаликни васият қилди. Ўша олти кишидан бири Али розияллоҳу анҳу эди. Мана шуларнинг ҳаммаси Умар ва Али орасидаги муҳаббат ва меҳрнинг улуғлигига далолат қиласиз...»

Оқсоқол ўрнидан турмоқчи бўлган эди, кич-китойлар ёрдам бериб юборишиди. Шунда у: «Раҳмат, болажонларим. Ўтиравериб, чарчадим. Бир оз юриб, оёқларнинг чигилини ёзайлик, – деди. Сўнг кулиб: – Айтиб қўяй, болаларим, бир югуришга тушсам, мени тўхтатолмай қоласиз, ҳаммангизни ортда қолдираман», деди.

Болалар оқсоқолнинг ҳазилкашлигидан завқланиб кулишди.

Оқсоқол сўзида давом этди:

«Иккисининг орасидаги бу қайноқ алоқага ва ишончга далолат қиласидан зўр қиссалардан бирини айтиб бераман: Умар ибн Хаттоб Абу Бакр Сиддиқдан кейин халифаликка сайланганидан сўнг бир муддат му-сулмонларнинг байтул молидан ҳеч нарса емай қўйди. Умарнинг аҳли оиласига ти-жоратидан топадиган озиқ-овқати кифоя қилмай қолди. Давлат ишлари ила машғул бўлиб, тижорат қилишни тўхтатиб қўйган эди. Шунда у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаламнинг сахобаларидан:

«Мен ҳалқ иши билан машғул бўлиб қолдим. Байтул молдан қандай олсан тўғри бўлади?» деб сўради. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу:

«Еявер ва едиравер», деди. Ундан бошқаси ҳам шунга ўхшаш гапни айтди. Лекин Умарнинг қалби хотиржам бўлмади. Шунда Али розияллоҳу анҳу томонга юзланиб:

«Бу ҳақда сен нима дейсан?» деди. Шунда Али:

«Тушлигинг ва кечки овқатинг», деди. (Яъни бир кунда фақат икки маҳаллик таомига етадиган мол олишини айтди.)

Бас, Умар Алининг айтганини олди.

Шундан кейин Умар розияллоҳу анҳу байтул молдан бўлган насибасини баён қилиб:

«Албатта, мен нафсимни Аллоҳнинг молидан олишда етимнинг вакили ўрнига туширдим. Агар ундан беҳожат бўлсам, уни тарқ қиласман. Унга муҳтоҷ бўлсам, яхшилик билан ейман», деди.

Кўйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Нима учун қария катта кучни ҳис қиласар эди?

- А. Чунки вақт тез ўтар эди.
- Б. Чунки у кичкинтойлардаги ёшлиқ завки, кўзларидағи ўт-оловдан қувват олар эди.
- В. Чунки у тарих воқеаларини эслар эди.

2. Умар ва Али розияллоҳу анҳумо ораларидаги мустаҳкам алоқани исботлайдиган иккита масалани белгиланг:

- А. Али Умарга байъат беришга шошилган.
- Б. Фарзандларининг бирига Умар деб исм кўйган.

В. Умар баъзи вазиятларда Алини Мадинага ўринбосар қилиб қолдирган.

Г. Али Умарнинг аскарига бошчилик қилган.

3. Сенинг фикринча, нима учун Умар байтул молига муносабати қандай?

- А. Чунки унинг фикрида исроф бор.
- Б. Чунки унинг фикрида баҳиллик бор.
- В. Чунки унинг фикрида қаноат, ризо ва зоҳидлик бор.

4. Умар розияллоҳу анҳунинг мусулмонлар байтул молига муносабати қандай?

- А. Мол – ҳокимнинг мулки, унда хоҳлаганича тасарруф қиласди.
- Б. Мол – Аллоҳнинг мулки, чегараланган нарсаларга сарфланади.
- В. Мол – ҳоким тоифадан муайян бир жамоанинг мулкидир.

5. Али Умарга таклиф қиласидан икки маҳал таомининг қиссасидан нимани тушунишимиз мумкин?

Муслиманинг пафдози

Унинг чехрасида ажисб латофат, кўзларида қувонч нурлари порлаб турар эди.

Бир куни қизиқувчан дугоналари «Сен шундайин соглом ва баркамолсанки, кўрган одамнинг ҳаваси келиши аниқ. Кўзларинг ажисб жозибали? Мафтункорсан, теринг бахмалдай майин, қўлларинг ёрилмаган, силлиққина, ҳамиша илиқ... Бу қадар гўзалликнинг сири нимада? Қандай пардоз воситаларидан фойдаланасан?» дебе уни саволга тутишиди.

У астагина бошини кўтарди-да, гўзал юзини зийнатлаб турган табассум ила жавоб қайтарди:

«Менинг гўзаллигимда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳаммаси оддий. Лабларим учун бўёқ ўрнига рост ва самимий сўздан; ово-

зим учун малҳам сифатида Аллоҳнинг каломидан; кўзларим учун қисқагина, бир лаҳзалик, лекин меҳрли бўлган нигоҳдан фойдаланаман. Қўлларим учун эзгу ва савоб ишлар, баданим учун сабр ва ҳалолликни ўзимда мужассам этишига ҳаракат қиласман. Қалбим учун фақат Аллоҳга бўлган муҳаббатимни қўллайман, зеҳним учун эса илм, фасоҳат ва тафаккурдан фойдаланаман. Дилимда фақат Аллоҳга итоат. Нафсимни эса кучли эътиқод ва тақво, мунтазам ибодатлар билан жиловлайман...

Азиз муслима дугонам, сиз ҳам қуидаги тавсияларга амал қиласангиз, чеҳрангиз нурли ва жозибали бўлишии аниқ.

МУСЛИМА АЁЛ УЧУН ГЎЗАЛ БЎЛИШНИНГ ЎНТА СИРИ

1. Лабларингиз мафтункор бўлишини ис-
тасангиз, ширинсўз ва ростгўй бўлинг.

2. Кўзларим чиройли бўлсин десангиз,
фақат эзгуликка боқинг.

3. Қоматингиз расо бўлиши учун тао-
мингиздан муштоқларга улашинг.

4. Сочларингиз жозибадор бўлишини ис-
тасангиз, кунига бир марта гўдагингизга
қўлчалари ила уларни силашига имкон бе-
ринг.

5. Қатъият билан юриши учун ҳеч қачон
ёлгиз эмаслигингида, Аллоҳ ҳар доим сиз
билан биргилигига ўзингизни ишонтиринг,
У Зотга таваккул қилишини ўрганинг.

6. Инсон ҳамиша ўзини атрофдагилар-
нинг далласига, афву кечиримида, рағбати-

га, меҳру муҳаббатига эҳтиёжманд сезади.
Ҳеч қачон ҳеч кимни «ташлиб қўйманг»,
«эътиборсиз қолдирманг.»

7. Агар ёрдам қўлига эҳтиёж сезсангиз,
унутманги, икки қўлингиз – бир қўлингиз
ўзингизга, иккинчиси бошқаларга ёрдам бе-
риши учун хизматга шай.

8. Аёл гўзаллиги турли-туман либосда, ке-
лишган қоматда ёки аллам-бало соч турма-
гида эмас, балки қалбларда акс этади. Айнан
қалб Аллоҳнинг назаргоҳидир.

9. Чинакам гўзаллик суратда эмас, сий-
ратда намоён бўлади.

10. Аёл гўзаллиги Аллоҳга итоат ва умр
йўлдошининг ризолигидадир!

Оидинахон Ваҳобжонова

ХОЛЕЦИСТИТ ҳакида

Холецистит – ўт пуфагининг яллигланиши хасталиги бўлиб, нотўғри овқатланиши, сурункали қабзият, турли хил инфекцион хасталиклар туфайли келиб чиқади. Ўз вақтида даволанмаган холецистит сурункали турга ўтади ва кейинчалик ўт-тоши касаллигига айланаб кетади.

Белгилар бошланса...

Беморнинг ўнг бикинида – қовурғаси остида тўсатдан қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Кўнгли айниши, кайтқилиши мумкин. Тана ҳарорати бироз кўтарилади. Баъзида оғриқ кучайиб, ўнг кўл ва ўнг куракка тарқалади.

Кўп ҳолларда касалликнинг иккинчи ё учинчи куни тери ва кўз оқи сарғаяди. Пешоб қизғиш-сарик рангга киради.

Ўткир холецистит аксарият ҳолларда ёғли таомларни кўп истеъмол қилгандан сўнг бошланади. Оғриқ бошланиши билан уйга шифокор чақириш лозим, шифокор келгунича грелка қўйиши, меъдани ювиш ёки сурги дорилар ичиш асло мумкин эмас. Ўткир холецистит билан оғриган бемор касалхонада даволаниши лозим.

Сурункали холецистит кўпинча ўткир холециститнинг бир неча бор хуружидан сўнг кузатилади. Бунда bemorning ўнг қовурғаси остида давомли оғриқ туради. Айниқса ёғли овқат истеъмол қилгандан сўнг оғриқ кучаяди. Кориннинг юқори қисмида оғирлик сеъзилади. Кўнгил айниб, кекирик пайдо бўлади. Сурункали холециститни шифохоналарда, санаторийларда даволаш яхши наф беради. Шифокор тавсия этган доғридармонларни кўрсатмага мувофиқ, ўз вақтида қабул қилиш лозим. Агар bemor даволанмасдан, бепарво юраверса, унда ўт-тош касаллиги юзага келади.

Ўт-тош касаллиги

Секин-аста ривожланадиган бемор ўнг қовурғаси остида бир неча йиллар давомида кучиз оғриқни хис қилиб юради. Оғзи bemaza бўлиб, жиғилдони қайнайди. Баъзан ўнг қовурға остида санчик туриб, оғриқ қорин, ўнг кўкрак, ўнг елка, ўмровга тарқалади. Бу аломатлар ўт пуфагида тош пайдо бўлганини билдиради.

Қовурилган, консерваланган ва дудланган маҳсулотларни истеъмол қилганда bemorning кўнгли айниши ва қорни соҳасида оғирлик сезиши мумкин. Қорин дам бўлиши ва қабзият ҳам ўт-тош касаллиги туртки беради. Чунки бундай ҳолларда ўт пуфагида ўт димланиши юз бериб, бора-бора ўт халтасида тош йиғилишига олиб келади. Ўт-тош касаллиги кучайганда жарроҳлик усули кўлланади.

Нима қилмоқ керак?

1. Холециститга чалинган bemорлар, айниқса кечкурунлари аччиқ ва ёғли таомларни истеъмол қилишини чеклашлари керак.

2. Таомлар янги пиширилган бўлиши шарт, bemor ўта тўйиб овқатланмаслиги лозим.

3. Гўшт ва балиқнинг ёғли турлари, қўй ва мол ёғи, какао ичимлиги, шоколадлар, тухум саригини ейишдан сақланинг.

4. Спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш ҳам касалликни баттар оғирлаштиради. Бадҳазм таомлардан сўнг ишқорли минерал сувлар ичишингиз мумкин.

5. Семириш ва моддалар алмашинувининг бузилишига йўл қўймаслик керак. Камҳаракат бўлманг, эрталаблари енгил бадантарбия қилишга одатланинг.

6. Танадаги инфекция манбалари (касалтишлар, томоқ оғриғи, яъни фарингит ва тонзиллит кабилар) ни ўз вақтида даволатинг.

7. Гўштни қайнатиб ёки буғда пишириб истеъмол қилинг.

8. Таомни ўсимлик ёғида тайёрлаш лозим. Оз-оздан тез-тез овқатланган маъқул.

9. Сутли таомлардан творог, ёғсиз қатиқ, сузма, шунингдек, хўл мева ва сабзавотлар тавсия этилади. Ичнинг равон келишига аҳамият беринг.

10. Агар оила аъзоларингизнинг бирортасида (бобо ё буви, ота-она ва яқин қариндошларда) холецистит ёки ўт-тош касаллиги бор бўлса, сизда ҳам шунга мояйиллик кузатилади, демак, касалликни бартараф этиш мақсадида юқоридаги барча маслаҳатларга амал қилишингиз шарт.

Халқ табобатидан

– Холециститни даволашда маккажӯҳори попуги яхши ёрдам беради.

Ундан қайнатма тайёрлаш усули: 2-4 қошиқ маккажӯҳори попуги бир ярим стакан қайноқ сувда ярим соат (паст оловда) милтиллатиб қайнатилади. Кейин докада сузилади. Уч-тўрт соатда бир марта икки ош қошиқдан ичилади.

– Ўт пуфагида тош йиғилганда кашнич ва унинг илдизини қайнатиб ичиш лозим. Ушбу қайнатма ўт ҳайдайди, ўт пуфагидаги тошни туширишга ҳам ёрдам беради.

– Ўт пуфаги хасталанган bemорларга наъматак, ёнғоқ, лимон, апельсин, карам, картошка, помидор, шивит ва кашнични мумкин қадар кўпроқ истеъмол қилишда фойда бор.

ЮЗ ТЕРИСИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Юз терисини тоза сақлаш парваришнинг асоси бўлса, уни озиқлантириш иккинчи шарти ҳисобланади. Озиқлантириш юз терисини барвақт қаришдан сақлади, унинг эластик(мулойим)лигини оширади, ажинлар тушишининг олдини олади. Ҳозирги кунда кўплаб компаниялар томонидан юз терисини озиқлантирувчи турфа хил косметик воситалар ишлаб чиқарилмоқда. Крем танлашда юз терингизнинг холати, тури ва албатта, ёшингизни ҳам ҳисобга олинг. Акс ҳолда кремларни билиб-билмай ишлатиш фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Бу айникса ёш қизларимизга тааллуклидир. Баъзан 19-25 ёшлардаги кизлар 40-45 ёшлардаги аёллар учун мосланган косметик воситалардан фойдаланадилар. Айнан мана шу воситалар таркибидаги гармонлар ёш қизларнинг терисига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аслида бу ёшда турли кремлардан фойдаланишга зарурат ҳам йўқ, асосий парвариш воситаси сифатида эса турли хил мева, сабзавот, шифобахш гиёхлардан тайёрланган лосьон, ниқобларни кўллашимиз мумкин. Аммо 30 ёшдан кейин аёл териси алоҳида парваришга муҳтож бўлади. Айнан шу ёшдан бошлаб таркибida гармон мавжуд бўлган кремларни кўллаш мумкин.

Биокремлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бу кремнинг таркибида жуда муҳим ва керакли бўлган витаминалар (A, B, E), ферментлар, до- ривор ўсимликлар экстракти, микроэлементлар ва ўсимлик гармонлари мавжуд. Кремдаги бу биологик актив моддалар ёш ўтиши билан бузиладиган алмашинув жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими, барча турдаги биокремларни факат 35 ёшдан сўнг кўллаш мумкинлигини унутманг.

ОЗИҚЛАНТИРУВЧИ КРЕМЛАРНИ ҚЎЛЛАГАНДА ҚУЙИДАГИЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ:

- Кремни суртишдан олдин юз яхшилаб тозаланиши керак.
- Кремни суртгандан сўнг унинг ортиқласини салфеткага шимдириб олинг. Крем таркибидаги барча актив моддалар бир соат ичидаги таъсир қилади. Уни узоқ вақт қолдириш эса терига салбий таъсир кўрсатиши – юз териси қизариши, шиш пайдо бўлиши мумкин.
- Кремни 3-5 дақиқа давомида енгил айланма ҳаракатлар билан терига сингдиринг.
- Баъзи аёлларда юқори лаб тепасида тук ўсади. Улар ўзларининг бу қисмига таркибida гармон

бўлган кремларни қўллашлари мумкин эмас. Гармон тукларнинг янада ўсишига олиб келиши мумкин.

5. Фойдаланадиган кремингизни вақти-вақти билан ўзгартириб туринг. Чунки тери бир турдаги кремга тез ўрганиб қолади ва унинг таъсири камаяди.

АЖИННИ ЙЎҚОТИШ

Ўзингизга бир эътибор беринг: сизда пешонани тириштириш ёки қошни кўтариш одати ўйқми? Кўпчилик буни ўзи пайқамайди. Аслини олганда, ана шундай актив юз ҳаракатлари оқибатида кишининг терисига чукур ажинлар эрта (15-29 ёшда) тушади. Баъзи ўсмир қизлар бундай юз ҳаракатлари билан ўзларининг эркин ва табиийлигини, ҳис-туйғуларга бой эканини кўрсатмоқчи бўладилар. Ваҳоланки, бу ҳис-туйғуларни сўз билан, овоз оҳангига ёки қараш билан ҳам ифодалаш мумкин. Яна баъзилар эса гаплашаётганда сухбатдошини менсимай, нимадандир норози бўлиб, афтини буриштиради. Уларнинг юзида аввал билинар-билинмас майда ажинлар пайдо бўлади, кейин улар аста-секин чукур ажинларга айланади. Кўзи яхши кўрмайдиган, лекин кўзойнан тақишига уяладиган аёлларнинг кўзлари атрофида майда ажинлар худди елпигичга ўхшаб ёйилиб кетади. Бу ажинлар кейинчалик ғоз панжаси шаклини олади.

Бурундан оғиз бурчагига томон тушган чукур ажинлар кишини жуда қари кўрсатади. Бу ажинлар баъзи одамларда фақат косметик нуқсон эмас, балки феъл-атворининг маълум хусусиятлари туфайли юзага келган, дейиш мумкин: бундай кишилар кўпинча нимадандир норози бўлиб юрадиган, ҳар бир нарсадан нолийверадиган бўлишади.

Аввало, пешонани тириштириш одатини ташланг. Эрталаб уйғонганингизда ўрнингиздан турмасдан 5-6 сония мобайнода кўзларингизни қаттиқ юминг, кўрсаткич бармоқларингизни қош усти ёйига қўйинг, кўзларингизни 4-5 сония катта очинг, бу машқни 8-10 марта такрорланг. Бир неча кундан кейин пешонанингизда ажинлар тўпланмайдиган бўлади.

Қуйидаги усул ҳам фойда беради: пешонага озиқлантирувчи ёғли крем суртинг, устидан бир бўлак мум қофоз ёпинг-да, бинт билан боғлаб қўйинг. Боғлов қанча кўп турса, шунча яхши. Бу усул камида 15-20 марта такрорланганда фойда беради.

Ажинлар изини йўқотиш учун хотиржам, мулойим ҳолатда бўлишга ҳаракат қилинг, тишиңгизни бир-бирига қаттиқ босманг.

МЕВАЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

2 дона йирик олма, 3 дона қаттиқ нок, майдаланган ёнғоқ, 100 г қулупнай, 100 г малина, 100 г маймунжон (ежевика), кўпиртирилган қаймоқ, шоколадли қиём.

Тайёрланиши:

Меваларни йирик-йирик қилиб кесамиз, малина ва маймунжонларни бутунлигича соламиз, майдаланган ёнғоқларни сепамиз ва кўпиртирилган қаймоқ ва шоколадли сироп билан бешатамиз.



ТУРПЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

500 г турп, 2 ош қошиқ 3 фоизли сирка, 2 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 дона пиёз, туз ва туюлган қизил гармдори (таъбга кўра).

Тайёрланиши:

Тозаланган турпни сомонча шаклида тўғраймиз. Қайнаган сувнинг буғида турпни димлаб оламиз. Ярим доира шаклида тўғралган пиёз билан аралаштириб оламиз. Ўсимлик ёғи, сирка, таъбга кўра гармдори ва туз солиб, аралаштириб, датурхонга тортамиз.

ПИШЛОҚЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

1 боф салат барги, 1 дона қизил булғор қа-

лампири, 1-2 дона бодринг, 200 г помидор, 1 боф кашнич, 2 дона пиёз, 200 г пишлоқ, 100 г зайдун меваси, 100 мл зайдун ёғи, 50 мл минерал сув, 2 ош қошиқ сирка, туз, майда мурч, шакар (таъбга кўра).

Тайёрланиши:

- Салат барглари бўлакчаларга бўлинади, булғор қалампир кубик шаклида, бодринг ҳалқа шаклида тўғралади. Кашнични ювиб, қутилади, барглари юлиб олинади ва тўғралади. Пиёз тозаланиб, ҳалқа шаклида тўғралади. 150 г пишлоқ тўғри туртбурчак шаклида тўғралади. Махсулотлар идишдаги зайдун мевалари билан аралаштирилади.

- Зайдун ёғи, пишлоқнинг қолгани, минерал сув ва сирка идишга солиниб, кремга ўхшаш тусга киргунча аралаштирилади. Тузи ростланади, мурч ва шакар солинади. Салат усти ушбу аралашма билан таъбга қараб безатилади.

ПИШЛОҚ ВА МЕВАЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар:

300 г пишлоқ, 250 г узум, 1 дона ўртача катталиқдаги қовун, 1 ош қошиқ зайдун ёғи, 1 дона сельдер томири, 1 дона лимон шарбати, 1\2 боф петрушка, таъбга кўра туз ва қора мурч.

Тайёрланиши:

Қовунни иккига бўламиз ва уруғларидан тозалаймиз. Бир бўлагини тўртга бўламиз ва



безатиш учун олиб қўямиз. Иккинчи бўлагини яна тенг ўртасидан кесиб оламиз. Пўстлоғидан тозалаб, майда тўртбурчаклар шаклида тўғраймиз ва чуқурроқ товага соламиз. Унга майдалангандер томири, узумларнинг ярим бўлакчалари, сомонча шаклида тўғралган пишлокни аралаштирамиз. Аралаштиришдан олдин туз, қора мурч, лимон шарбати ва зайдун мойини ҳам солиб оламиз. Тайёр бўлган аралашмани 20-30 дақиқа сақлаб қўямиз сўнг ликопчага солиб, юқоридаги қовун бўлаклари ва петрушка барглари билан безатамиз.

Рўзгор

– Салатларни 6 соатдан кўп сақлаш мумкин эмас, акс холда уларнинг маъданий таркиби бузилади. Совутгичда эса аралашмаган ҳолда 12 соатгача сақлаш мумкин.

– Салатни темир қошиқда аралаштирунг, чунки бунда салатнинг кўриниши яхши бўлмайди. Яххиси, уларни ёғоч қошиқда аралаштирганингиз маъқул.

– Гўштли, балиқли таомлар билан сабзавотли салатларни тортиш мумкин.

– Ерқалампирни (хрен) совук сувда узоқ ушлаб бўлмайди, бунда кучи йўқолади.

– Ерқалампирни қирғичдан ўтказиш шарт эмас, тозаланган илдизларни гўшт қиймалагичдан ўтказиш кифоя қиласди.

– Кўк пиёзнинг илдизини сув билан хўллаб, нам латтага ўраб, сўнгра қоғозга ёки полиэтилен пакетга ўраб совутгичга қўйилса, узоқ муддат сақланиши мумкин.

– Петрушка кўкатининг янги узилган баргларида С витамини кўп бўлади, витамини кам бўлган таомларнинг ўрнини аъло даражада тўлдиради. Витаминлар тўлиқ сақланиши учун таомни сузиб, дастурхонга тортишдан олдин унга янги тўғралган кўкат кўшилади.

– Петрушка узоқ вақт ўз кўриниши ва тарьмини йўқотмаслиги учун уни ювиб, сўнгра полиэтилен пакетга солиб, совутгичга қўйилади. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, узоқ сақланса, петрушка таркибидаги витаминлар йўқолади. Агар петрушка кўкати иссик сувда ювилса, у хушбўй бўлади.

Ҳилола тайёрлаган

